

Меҳнатнинг  
кўзини топган  
Бойликнинг  
ўзини топар.

Ўзбек халқ  
мақоли



## ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 30 апрель куни, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси арафасида Оқсаройда ОТБ президенти Харухико Куродани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз билан кўп йиллардан буён яқин ҳамкорлик қилиб келаётган ОТБ ҳақли равишда энг нуфузли ва етакчи халқаро молия муассасаларидан бири эканини таъкидлади. Банкнинг Ўзбекистон билан изчил амалга ошириб келаётган ҳамкорлик стратегияси бунинг тасдиғидир.

— Осиё тараққиёт банкининг навбатдаги мажлисига мезбон сифатида Тошкент танлангани учун Сизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Бундай нуфузли халқаро анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши мамлакатимиз учун катта шараф, айни пайтда тарихий воқеадир. Осиё тараққиёт банки бошқарувчиларининг кейинги мажлисларида умумий қиймати 1 миллиард 140 миллион АҚШ долла-

ридан зиёд бўлган тўрт йирик сармоявий лойиҳа маъқулланди. Бу лойиҳалар транспорт-коммуникация инфратузилмаси ва ичимлик суви таъминоти тизимини тақомиллаштириш, коммунал хўжаликни ривожлантириш, Толлимаржон ИЭСида буг-газ қурилмаси барпо этиш, шунингдек, мамлакатимиз тижорат банклари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби муҳим йўналишларни қамраб олади, — деди Президентимиз Ислон Каримов.

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда иқтисодиётнинг устувор тармоқларида йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Улар стратегик ва муҳим аҳамиятга молик соҳаларни ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асоси ва қулай сармоявий муҳит яратилгани туфайли ОТБ мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилган бу лойиҳалар муваффақиятли ижро этилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 30 апрель куни Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Филипп Ле Уэйруни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор соҳалари бўйича ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар стратегик аҳамиятга эга эканини, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик кўлами изчил кенгайиб бораётганини таъкидлади.

— Осиё тараққиёт банкининг Тошкентда ўтадиган йиллик мажлисида Жаҳон банки вакилларининг иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банки ўртасидаги муносабатлар юксак даражада ривожланаётганини яна бир бор тасдиқлайди, — деди Ислон Каримов.

ОТБнинг шу кунларда иш бошладиган 43-йиллик мажлисида Жаҳон банки ва қатор бошқа хорижий банк-молия муассасаларидан нуфузли делегациялар иштирок этаётгани диққатга сазовордир. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар дастури ва иқтисодий ислохотлар «Ўзбек модели» самарадорлигининг яна бир тасдиғидир.

Ушбу нуфузли халқаро молия муассасаси билан ҳамкорликда иқтисоди-

ётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада йигирмага яқин лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Улар орасида айниқса аграр секторда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш, коммунал хўжалик соҳасини модернизация қилиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини тақомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

Оқсаройдаги учрашувда Филипп Ле Уэйру самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлари ва ўсиш суръатини барқарор сақлаб қолган давлат сифатида ўрнатилган Ўзбекистонда бундай нуфузли халқаро форумнинг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Меҳмон ОТБнинг ушбу мажлиси Ўзбекистоннинг юксак сармоявий жозибадорлигидан далолат эканини, мамлакатни модернизация қилиш йўналишлари тўғрилигининг яна бир тасдиғи бўлишини қайд этди.

Мулоқот чоғида кўшма лойиҳалар ижросига, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## ҲАР КАСБА МАҲОРАТ ЗАРУР

КўЛИ ГУЛ ЧЕВАРЛАР БЕЛЛАШДИ

Касб-хунар коллежларининг битирувчи ўқувчилари ўрта-сида «Касб маҳорати» кўрик-танловининг республика босқичи «Тикувчилик ишлаб чиқариш» йўналиши Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежида бўлиб ўтди.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад ўқувчи-ёшларни касб-хунарга ўргатиш, уларга келажакларини тўғри танлай олишида кўмаклашиш, — дейди ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази бош мутахассиси, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Мунира Бобожонова. — Танлов касбий таълим усталари ҳамда ўқувчиларга бир-бирлари билан фикр алмашиш, янги ғоялар билан ўртоқлашиш имконини беради. Икки босқичда ўтказилиши кўзда тутилган танловнинг Республика босқичида «Тикувчилик ишлаб чиқариш» йўналиши бўйича шаҳар, вилоят босқичларида ўз маҳоратини кўрсата олган 14 нафар ўқувчи иштирок этди. Иштирокчилар дастлабки шартда тест синовларини бир соатда, амалий машғулотларни эса 3 соат вақт мобайнида бажаришди.

Танловнинг кейинги шартида ўқувчилар коллежнинг ишлаб чиқариш устаси Хадича Тўрахонованинг амалиёт пайтида рўй бериши мумкин бўлган техник хавфсизлик ҳақидаги тушунтиришларини тингладилар. Жумладан, уларга иш устида тикувчилик фартугини тақиб олиш, техник ускуналар — электр тикиш машинаси, дазмол ҳамда тикувчилик қуроллари, қайчи, игнадан фойдаланишда эҳтиёткор бўлиш қатъий таъкидланди.

Шундай қилиб, иштирокчи қизлар ёш болалар шимини тайёрлаш вазифасига киришиб кетишди. Ҳар бир ўқувчига «Шимни тикиш кетма-кетлигини тузиш» бўйича технологик харита берилди.

(Давоми 5-бетда.)

«Kasb mahorati — 2010»



ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

ТАЪЛИМ  
СИФАТИНИ  
ОШИРИШ —  
ДАВР ТАЛАБИ

5-бет

ВИРТУАЛ  
ОЛИМПИАДА:  
ЎҚУВЧЕНИ  
ФАОЛЛИККА  
УНДАЙДИ

7-бет

МАКТАБ  
ДЕВОРИЙ  
ГАЗЕТАСИ  
у таълим-тарбия  
воситаси ҳамдир

8—9-бетлар

КИБЕРМАКОН  
«ФИРИБГАР»-  
ЛАРИ

12-бет



# ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ОТБнинг 43-йиллик мажлиси шу кунларда Тошкент шаҳрида ўз ишлари бошлайди ва Марказий Осиё минтақасида бундай юксак даражадаги ilk форум ҳамда ривожланишнинг «ўзбек модели» самарадорлиги халқаро миқёсда эътироф этилганидан яна бир далolat бўлади. 2—4 май кунлари АСЕАН+3 мамлакатлари молия вазирларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтади. Унда ОТБнинг «Стратегия — 2020» дастурини, шунингдек,

глобал молиявий тизимни ислох этиш, Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги ва инқироздан кейинги ривожланиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш кўзда тутилган.

Халқаро молия муассасалари, жумладан, ОТБ етакчи эксперт ва мутахассисларининг эътироф этишича, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш даражаси глобал инқироз шароитида асосий иқтисодий

кўрсаткичлар ва иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги билан кўпларга ўрнатилган бўлади.

Харуҳико Курода таъкидлаганидек, Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари ишончли тарзда таъминланган санокли давлатлардан бири бўлди. Унинг фикрича, «ўзбек модели» муваффақиятининг асоси яна шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ҳозирги шароитда фақат ташқи қарзларга таянмасдан, иқтисодиётни фаол диверсификация қилиш ҳамда бой

минерал, ишлаб чиқариш-саноат, қишлоқ хўжалиги ресурсларидан ва, энг муҳими, инсоннинг юксак интеллектуал салоҳиятидан оқилона фойдаланиш чораларини кўрди.

ОТБ президенти Х.Куроода самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ОТБ иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиётнинг турли соҳаларида Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришдан гоаят манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА)

**Жорий йилнинг 1-4 май кунлари Тошкентда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтади. ЎЗА мухбирлари ушбу мажлис иштирокчилари ва меҳмонларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.**

**Жованни КАПАНЕЛЛИ, Осиё тараққиёт банкининг Минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти бош иқтисодчиси (Италия):**

— Ўзбекистон ташқи дунё билан алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни кенг қўламда ривожлантириш йўлидан изчил бораётди. Юртингизнинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатингиз иқтисодиётига жиддий зарар етказа олганининг гувоҳи бўлди. Бунинг асо-

файзли ва бетакрор кўчалари, ям-яшил боғларида сайр қилиб, диққатга сазовор жойларини кўздан кечириб, руҳий ва маънавий қувват олдим.

Мазкур халқаро анжуман кунлари турли давлатлардан келган молиячи экспертлар, олим ва мутахассислар, бизнес одамлари бир-бирлари билан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш, янгиликлардан хабардор бўлиш, ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш имконига эга бўладилар.

Ўзбек пахтаси Ҳиндистон

дидан ҳайратландим. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганига атиги 19 йил бўлганига қарамай, ҳар соҳада ҳавас қилса арзигулик ютуқларни қўлга киритибди. 2009 йилда — глобал молиявий-иқтисодий бўҳрон даврида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани эришилаётган бундай ютуқларнинг ёрқин тасдиғидир. Бу мамлакатингиз йўлбошчиси Ислон Каримов юритаётган оқилона сиёсатнинг амалдаги ифодасидир.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, мамлакатингизда замонавий техника ва технология, ўқув жиҳозлари, спорт мажмуалари билан таъминланган қатор таълим муассасаларини кўриб, ёшларнинг пухта таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор

So'z — anjuman ishtirokchilariga

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОТБ АНЖУМАНИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛГАН

сий омили Ўзбекистон раҳбариятининг иқтисодий сиёсатини тўғри юритаётганидир.

Ўзбекистон билан Осиё тараққиёт банки ўртасида қарор топган мустаҳкам ҳамкорлик йил сайин ривожланмоқда. ҳамкорликда турли соҳаларда амалга оширилаётган кўплаб қўшма лойиҳалар юксак самаралар бераётди. ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисини ўтказиш учун айнан Ўзбекистон танлангани бежиз эмас. Бу Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётганининг яна бир халқаро эътирофидир.

Ташрифимнинг биринчи куни Самарқандни зиёрат қилдим. Шаҳардаги тарихий обидалар, муқаддас қадимлар, айниқса, Регистон майдони менда унутилмас таассурот қолдирди. Уларни томоша қилар эканман, қадимда Шарқ ва Ғарб ўртасида мустаҳкам робита бўлган Ўзбекистон дунё илм-фани ривожига бе-назир ҳисса қўшганига ва бугун ҳам гуркираб тараққиёт этаётганига амин бўлдим.

**Дипак ЧАТТЕРЖИ, «State Bank of India» банки бош менежери (Ҳиндистон):**

— Ўзбекистонга келиб олган таассуротларимни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Тошкентнинг тоза, кенг,

саноати талабларига тўлиқ жавоб бергани учун мазкур соҳада ҳамкорлигимиз мустаҳкамланмоқда. Ҳиндистоннинг нуфузли «Spentex» тўқимачилик корпорацияси мамлакатингизда қўшма корхона очиб, бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани бунинг далилидир. Ўзбек пахтаси юқори сифати, пишиқлиги билан ажралиб туради. Шу боис пахтаингизнинг жаҳон бозоридаги мавқеи йил сайин ошиб бормоқда.

**Мэрлин МОСЕС хоним, Наурунинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили ва элчиси:**

— Глобал иқтисодий бўҳрон даврида бундай нуфузли анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузи тобора ошиб бораётганининг далилидир. Осиё тараққиёт банкидек нуфузли молия муассасасининг йиллик мажлиси қатор глобал молиявий масалаларни атрофли муҳокама қилиш ва ҳал этиш чораларини кўриш учун қулай имкониятдир.

Мамлакатингизда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар билан танишиб, чин

берилаётгани, улар учун барча зарур шароит яратилганига амин бўлдим.

**Ханс-Жуерген СПРИНГЕР, Осиё тараққиёт банкининг Истеъфодаги ходимлари уюшмаси ижрочи котиби (Филиппин):**

— Ушбу мажлисда иштирок этиш менга Ўзбекистонни кўриш, бу ерда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиш, халқингиз билан мулоқотда бўлиш имконини бераётганидан жуда хурсандман. Мамлакатингизда ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисини ўтказиш учун кўрилган кенг қўламли тайёргарлик ишлари таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистонга ilk ташрифим жуда мазмунли ўтмоқда. Амир Темур дунёга танитган Самарқандни, шунингдек, Бухоро ва Хива шаҳарларини кўриш кўп йиллик орзуим эди. Орзуим амалга ошиб, ушбу қадимий шаҳарларни, уларнинг тарихий обидаларини ва меъморий ёдгорликларини зиёрат қилиш имкони туғилганидан жуда бахтиёрман.

ЎЗА мухбирлари **Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА** ёзиб олди.

## Ўзбекистон халқ артисти МАЛИК ҚАЮМОВ

Ўзбек маданияти ва санъати оғир жудоликка учради. Миллий кино санъатимизнинг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Малик Қаюмов шу йилнинг 29 апрель куни 98 ёшида вафот этди.

Малик Қаюмов 1912 йил 22 апрелда Тошкент шаҳрида туғилди. 1932 йилда Бутуниттифоқ давлат кинематография институтини тугатганидан сўнг Тошкентдаги «Шарқ юлдузи» кинофабрикасида кинооператор ёрдамчиси сифатида иш бошлади. Ўзбекистонда яратилган дастлабки ҳужжатли ва бадиий фильмларни суратга олишда иштирок этди.

У 1932—1946 йилларда Тошкент кинохроника студиясида кинооператор, «Союзкинохроника»нинг Ўрта Осиё бўйича мухбири бўлиб ишлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳужжатли фильмлар марказий студиясининг ҳарбий кинооператори сифатида фашизмга қарши курашда намоён этилган жасорат ва матонат намуналарини кинотасмаларга муҳрлашда фидойилик кўрсатди.

1946—1961 йилларда Тошкент бадиий ва ҳужжатли хроникал фильмлар студиясида кинооператор, режиссёр ва директор лавозимларида ишлади. Айниқса, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясининг директори ва бадиий раҳбари, Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмасининг биринчи котиби лавозимларидаги фаолияти давомида у республикамизда кино санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

М.Қаюмов давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. У 1990—1994 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати сифатида самарали фаолият олиб борди.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, А.АРИПОВ, А.ИСҲОҚОВ, Ҳ.ФАЙЗИЕВ**



Моҳир кинооператор ўзининг кўп йиллик ижодий фаолияти мобайнида 200 дан ортиқ ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмларни суратга олиб, юртимизда ушбу йўналиш бўйича ўзига хос мактаб яратди. Унинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеалар, ўлкаимизнинг бетакрор табиати, халқимизнинг бой тарихи, миллий анъаналари, юксак фазилатларини тараннум этишга қаратилган «Она диёр», «Тўрт дарвозали шаҳар», «Ўзбекистонимизга келинг», «Баҳордан баҳоргача», «Гўзалликнинг уч сири», «Самарқанд ҳамиша мен билан», «Ўзбек атласи» сингари ҳужжатли фильмлари миллий кино санъатимиз ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

М.Қаюмовнинг ўзбек маданиятини ривожлантириш йўлидаги самарали хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган эди.

Улкан санъаткор, камтарин инсон, меҳрибон устоз Малик Қаюмовнинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2010 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009—2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларини амалга ошириш натижасида иқтисодиётда ижобий ўзгаришлар давом этаётганини кўрсатмоқда.

## I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2010 йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётни ислоҳ қилиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишни давом эттириш ва чуқурлаштириш, 2009—2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ҳамда шу асосда иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари, унинг самарадорлиги ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали эришилган иқтисодиётни изчил ривожлантириш тенденциялари сақланиб қолди.

Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиш суръатлари 7,6 фоизни ташкил қилди, sanoat маҳсулотлари ҳажми 7 фоизга, жумладан истеъмол товарлари ҳажми 8,9 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 6,1 фоиз, қурилиш ишлари 20,1 фоиз, чакана савдо айланмаси 8,3 фоиз, хизматлар 12,2 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 13,4 фоиз, маҳсулот экспорти 22,1 фоизга ўсди.

Инфляция даражасини нисбатан паст — 3 фоиз, давлат бюджети профицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз сақлаш орқали макроиқтисодий мувозанат таъминланди.

2010 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2009 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,6
Sanoat маҳсулотлари ҳажми	107,0
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	108,9
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	106,1
Қурилиш ишлари	120,1
Чакана савдо айланмаси	108,3
Пуллик хизматлар	113,4

## II. Молия-банк барқарорлигини таъминлаш

Банк тизимининг устав капитални жорий йил биринчи чораги охирида 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 46,4 фоиз, мижозларнинг банкдаги депозитлари қолдиғи 56,7 фоиз, аҳолининг тижорат банкларидаги маблағлари 68,7 фоизга кўпайди. Кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдоридаги муддатли ва жамғарма омонатлари улуши 32,4 фоизни ташкил қилди. Натижада банкларнинг жами активлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,29 триллион сўмга ёки 33,3 фоизга ошди.

Банклар ресурс базасининг янада кўпайгани уларни иқтисодиёт реал сектори корхоналарига кредит ажратилишига

йўналтиришни ошириш имконини берди. Банкларнинг реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиқлари 2010 йилнинг биринчи чорагида 11,4 фоизга ўсди. Бунда ушбу кредит қўйилмаларининг 82,1 фоизи узоқ муддатли инвестиция кредитлари улушига тўғри келади.

Тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тақдим этилган кредит ресурслар улуши капитал қўйилмалар умумий ҳажмида 5,5 фоизни ташкил қилди. Ўтган йилнинг шу даврида эса бу кўрсаткич 2,1 фоиз бўлган эди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун тижорат банкларининг 737,2 миллиард сўмга тенг кредитлари ёки 2009 йилнинг шу давридагига қараганда 1,74 миллион донага кўпайди ва 6,49 миллионга етди, ўрнатилган терминаллар сони эса 32,7 мингга кўпайди ва 60,84 мингга ташкил қилди. Бунинг натижасида пластик картчалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2009 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш мақсадида муомалага чиқарилган пластик картчалар сони 2009 йилнинг шу давридагига қараганда 1,74 миллион донага кўпайди ва 6,49 миллионга етди, ўрнатилган терминаллар сони эса 32,7 мингга кўпайди ва 60,84 мингга ташкил қилди. Бунинг натижасида пластик картчалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2009 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан

2,9 баравар ошди, товарлар ва пуллик хизматлар учун нақд пулсиз тўловлар улуши 2009 йилнинг январь-мартдаги 67 фоиз ўрнига 2010 йилнинг январь-мартда 86 фоизни ташкил этди.

III. Мамлакат рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш мақсадида иқтисодиётни таркибий туб ўзгартиришни чуқурлаштириш сиёсати давом эттирилди

Жорий йилнинг биринчи чорагида ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз sanoati (125,3 фоиз), енгил (111,0 фоиз) ва озиқ-овқат sanoati (108,8 фоиз), машинасозлик ва металл қайта ишлаш sanoati (107,9 фоиз) тармоқларида sanoat маҳсулотлари ҳажми

Жорий йилнинг биринчи чорагида ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз sanoati (125,3 фоиз), енгил (111,0 фоиз) ва озиқ-овқат sanoati (108,8 фоиз), машинасозлик ва металл қайта ишлаш sanoati (107,9 фоиз) тармоқларида sanoat маҳсулотлари ҳажми

Жорий йилнинг биринчи чорагида ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз sanoati (125,3 фоиз), енгил (111,0 фоиз) ва озиқ-овқат sanoati (108,8 фоиз), машинасозлик ва металл қайта ишлаш sanoati (107,9 фоиз) тармоқларида sanoat маҳсулотлари ҳажми

ўсишининг энг юқори кўрсаткичларига эришилди.

Мамлакатимиз товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига ички талабни ноинфляциявий рағбатлантириш, корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ушбу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб этиш мақсадида маҳаллийлаштириш дастурига лойиҳалар киритишнинг янги ёндашув ҳамда мезонлари ишлаб чиқилди. Шу асосда 2010 йилга мўлжалланган sanoat кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича янги дастур ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди.

Жорий йилнинг январь-мартда маҳаллийлаштириш дастурининг 699 лойиҳаси бўйича қиймати 996,0 миллиард сўмлик ёки ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 23,2 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Ўзмонтажмахсускурилиш» (2,1 баравар), «Ўзбекчармпойафзали» (1,9 баравар) уюшмалари, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси (1,7 баравар) ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (1,3 баравар) корхоналарида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг энг юқори суръатларига эришилди.

Истеъмол озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологияларни жорий этишни рағбатлантиришга доир фаол чора-тадбирлар кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 916-қарори ижросини таъминлаш мақсадида III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўтказилди ва унда 600 дан ортиқ ишланма намойиш этилди.

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қабул қилинган қўшимча чора-тадбирлар самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 8,7 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми 9 фоизга кўпайди.

Маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга олиб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жорий йил биринчи чорагида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини 2009 йилнинг шу давридагига қараганда 22,1 фоизга ошириш, шунингдек, ташқи савдо айланмасининг 1081,2 миллион доллар миқдорида ижобий сальдосига эришиш имконини берди. Пахта толаси, озиқ-овқат маҳсулотлари, қора ва рангли металлларни экспорт қилиши

бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди. Карбамид, аммиак, кальцийли сода, мисли қотишмалар, ип газлама ва калава, автомобиль ва бошқа турдаги маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ҳам ортди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнесни янада кўллаб-қувватлаш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтиришга доир фаол чоралар кўрилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 625,1 миллиард сўмни ташкил қилди ёки 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар ошди, жумладан 116,5 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди ва бу кўрсаткич 1,5 бараварга ошди.

2010 йилнинг биринчи чорагида рўйхатга олинган кичик корхоналар умумий сони (фермер хўжалиklarини ҳисобга олмаганда) 1,3 фоизга кўпайди ва 227,2 мингта ташкил қилди. ЯИМда кичик бизнеснинг улуши ортди — 2009 йилнинг биринчи чорагидаги 36,2 фоиз ўрнига 38,0 фоизга, sanoatда 14,1 фоиздан 15,8 фоизга, аҳоли бандлиги бўйича 73,1 фоиздан 74,3 фоизга етди. Бунда кичик бизнесда sanoat ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 125,9 фоизни ташкил қилди ва бу sanoat тармоғи бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Хисобот даврида ишлаб чиқариш соҳасига инновация технологияларини жорий этишни рағбатлантиришга доир фаол чора-тадбирлар кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 916-қарори ижросини таъминлаш мақсадида III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўтказилди ва унда 600 дан ортиқ ишланма намойиш этилди.

Ярмаркада sanoat соҳаси — 240, қишлоқ хўжалиғи — 200, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш — 100, ахборот технологиялари — 40, таълим ва илмфан соҳасига оид 30та ишланма тақдим этилди.

Ярмарка давомида илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқувчилар ва истеъмолчилар ўртасида янги маҳсулот ҳамда технологияларни сотиб олиш бўйича умумий қиймати 10,6 миллиард сўмлик 456та шартнома, жумладан 2010 йилда инновация маҳсулотларини етказиб бериш учун 6,7 миллиард сўмлик 331 шартнома, 2010—2012 йилларда инновация маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун 3,9 миллиард сўмлик 125та ахдлашув протоколи имзоланди. Бундан ташқари, «Алоқабанк»нинг 10 миллион доллар миқдоридаги кредити ҳисобидан 10 турдан ортиқ янги дори препаратларини ишлаб чиқариш бўйича илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида меморандум имзоланди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида

инфратузилмани ташкил этиш дастурини амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, «Микрокредитбанк» ва бошқа тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан 4,4 миллиард сўм йўналтирилди.

Мобиль алоқа хизматларидан фойдаланувчи абонентлар сонининг кўпайиши ва АТСларни рақамлаштириш даражасининг оширилиши натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 6,1 фоизга ўсди. Микро ва истеъмол кредитлари ажратишни ривожлантириш, тўлов тизимини такомиллаштиришга доир кўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, молия инфратузилмаси институтларини ривожлантириш молия-банк хизматлари ҳажмини 24,6 фоизга ошириш имконини берди. 320та янги чакана савдо корхонаси ва 45та умумий овқатланиш корхонасининг ишга туширилиши савдо ва умумий овқатланиш хизмати кўрсатишни 12,2 фоизга оширишга кўмаклашди. Бундан ташқари, жорий йилнинг биринчи чораги давомида 440дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ҳам жадал ривожланмоқда. Чакана савдо, умумий овқатланиш объекти ва маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида қишлоқ жойларда 6,3 мингта иш ўрни ташкил этилди. Қишлоқ жойларда барча турдаги хизматлар улуши 27 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиёт бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,2 фоизга ўсди, ЯИМда ушбу соҳа улуши 46,7 фоизни ташкил этди.

## IV. Фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш

Жорий йил биринчи чорагида амалга оширилган инвестиция сиёсати оид чора-тадбирлар етакчи тармоқларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларнинг қудратли зamonaviy тармоғини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни рўёбга чиқаришга йўналтирилди.

Натижада 2010 йилнинг биринчи чорагида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2910,6 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар умумий ҳажмидан ишлаб чиқаришни барпо этишга 79,5 фоиз инвестициялар йўналтирилди.

2010 йилнинг январь-мартда ўзлаштирилган тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 929,8 миллион долларни ташкил қилди ва 2009 йилнинг биринчи чорагида қараганда 2,6 баравар ўсди, уларнинг хорижий инвестициялар ва кредитлар умумий ҳажмидаги улуши ўтган йилнинг шу давридаги 85,3 фоиз ўрнига 94,8 фоизга етди.

(Давоми 4-бетда.)



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 3-бетда.)

Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан бта лойиҳани биргаликда молиялаш учун 196,4 миллион доллар ажратилди.

Шу йилнинг бошидан буён 118та янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, энгил ва тўқимачилик соҳасида 15, озиқ-овқат саноатида 41, қурилиш материаллари саноатида 56, машинасозлик соҳасида 2та объект ишга туширилди ва улар қиймати 18,8 миллиард сўмлик асосий фондларни ташкил этишни таъминлади.

Иқтисодийнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича чоралар дастури доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 29та лойиҳа, хусусан, "Навоийазот" очик акциядорлик жамиятида фосфорит хомашёси қўшилган аммиак селитрасини грануллаштириш жараёнини ишлаб чиқиш ва жорий этиш", "Автоойна" масъулияти чекланган жамиятида автомобиль ойналарини ламинация қилиш, кесил ва тоблаш бўйича янги линияларни ўрнатиш ҳисобидан ишлаб чиқариш қувватларини ошириш", "Профиль интерпрайзерс" масъулияти чекланган жамиятида табиий чарм ишлаб чиқариш ускунасини ўрнатиш" (Тошкент шаҳри), "Универсал фарм" қўшма корхонасида ва "Технофарм" очик акциядорлик жамиятида фармацевтика ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, 14,3 мингта нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга 16 кичик корхона қуриш, модернизация қилиш ҳамда бошқа қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида замонавий транспорт-коммуникация тизимини ташкил қилиш мақсадида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистралари участкаларини қуриш бўйича 32164,3 миллион сўмлик ёки 2009 йилнинг шу давридаги нисбатан 150,3 фоиз иш bajarилди. Ўзбекистон миллий автомагистралари бўйлаб йўл ёқасидаги 8та инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объекти қурилиши якунланди ҳамда фойдаланишга топширилди.

Темир йўл транспортини ривожлантириш лойиҳалари бўйича 62,4 миллион доллар эквивалентида маблағ ўзлаштирилди, 542та вагон капитал таъмирланди ва модернизация қилинди, иккита Talgo-250 тезюрар поездини харид қилиш учун 10,64 миллион доллар миқдорида молиялаштирилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт орқали 14,8 минг тонна юк, шунингдек, 4,2 минг нафар йўловчи ташилди (2009 йилнинг шу давридаги қараганда 113,5 фоиз). Бангкок, Дехли, Мумбай, Франкфурт, Сеул, Брюссель ва Милан шаҳарларига ҳафтасига 14 та рейс амалга оширилмоқда.

"Ангрен логистика маркази" ёпиқ акциядорлик жамиятида транспорт-экспедиция, юклаш-тушириш хизматлари ва юклар-

ни сақлаш хизматлари кўрсатиш бошланди, жорий йилнинг биринчи чорагида 707,5 минг тонна юк ташилди.

Электр энергетикасини модернизация қилиш, энергия сарфини камайтириш ва энергия тежаш тизимини жорий этиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йил биринчи чорагида маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини сарфлашини аниқ ҳисобга олишни таъминлайдиган 1477,7 мингта ва хўжалик субъектларида 237,5 мингта электрон ҳисоблагич ўрнатилди. Масалан, «Олмалиқ КМК» очик акциядорлик жамиятида энергия тежаш режимини жорий этиш ҳисобидан электр энергияси истеъмоли ўтган йилнинг шу давридаги қараганда 25,2 миллион кВт соатга, «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятида 13,5 миллион кВт соатга камайтирилди.

Қўқон РЭС ва Фарғона ЭСда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий этишга доир монтаж-созлаш ишлари ниҳонга етказилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида маиший секторда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимга мос келадиган 185,5 мингта замонавий ҳисобга олиш приборлари жорий этилди. «DOOJIN Co., Ltd» (Жанубий Корея) компанияси билан ҳамкорликда Чорвоқ сув омбори ҳудудида 750 кВт қувватга эга шамол энергетикасининг тажриба қурилмасини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 236та мелиорация объектида умумий қиймати 12,9 миллиард сўмлик таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари bajarилди. Бу умумий узунлиги 3174,5 километрлик хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги коллектор-дренаж тармоғини тозалаш имконини берди. Умумий узунлиги 39,8 километрлик коллектор-дренаж тармоғи барпо этилди ва реконструкция қилинди.

## V. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни давом эттириш, қишлоқда уй-жой ва ижтимоий инфратузилмани жадал барпо этиш

Жорий йил биринчи чорагида тайёр ҳолда топшириш шarti билан уй-жой қуриш фондини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 420та уй қурилди ва фойдаланишга топширилди. Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида намунавий лойиҳалар асосида қурилиши белгиланган барча уйлар фойдаланишга топширилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида республика бўйича жами 1594,6 минг квадрат метр уй-жой (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 110,6 фоиз), жумладан қишлоқ жойларда 1087,4 минг квадрат метр уй-жой (111,1 фоиз) фойдаланишга топширилди.

Замонавий том ёпиш материаллари, гипсокартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар каби қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 33 та янги корхона, жумладан йилига жами 70 миллион донадан ортиқ гишт ишлаб чиқариш қувватига эга 11 гишт заводи ишга туширилди.

Аҳолининг сифатли ичимлик суви таъминотини яхши-лашга доир лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 2010 йилнинг биринчи чорагида республика бўйича 319,1 километрлик, шу жумладан, қишлоқ жойларда 220,3 километрлик сув қувурлари тармоғи ўтказилди.

Аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қайта ишлаш корхоналарини зарур хомашё билан таъминлаш мақсадида Аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унда жорий йилда 5865,3 минг тонна сабзавот, 1566,6 минг тонна картошка, 1122,6 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1575,3 минг тонна мева, 937 минг тонна узум, 1447,6 минг тонна гўшт (тирик вазнда) ва 6165,3 минг тонна сут ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 фоизга ўсди. Ўтган йилнинг биринчи чорагида қараганда сабзавот (114 фоиз), гўшт (106,3 фоиз), сут (106,5 фоиз) ва тухум (112,2 фоиз) кўп ишлаб чиқарилди.

Чорвачиликни ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида кимовши савдолари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларига 6740 бош наслдор қорамол сотилди, кам таъминланган оилаларга 2723 бош қорамол бепул берилди. 42та зооветеринария пункти ташкил этилди, омухта ем ишлаб чиқарадиган корхоналар томонидан 200 минг тонна омухта ем ишлаб чиқарилди, тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка қўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 8 миллиард сўм ажратилди.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида қорамоллар умумий сони 8516,3 минг бошга етди ёки 2009 йилнинг шу давридагига қараганда 106,3 фоизни ташкил этди. 59та паррандачилик хўжалиги ташкил қилинди ва 2010 йил 1 апрель ҳолатига кўра, паррандаларнинг умумий сони 31,2 миллионтани (112,8 фоиз) ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида республика бўйича 31та қайта ишлаш корхонаси, жумладан 5та мева-сабзавотни қайта ишлайдиган, 11та гўштни қайта ишлайдиган ва 15та сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона ташкил қилинди.

## VI. Аҳоли бандлиги ва турмуш сифатини оширишни таъминлаш

Жорий йилнинг биринчи чорагида 215,4 мингта янги иш ўрни, шундан 150,1 мингтаси ёки 69,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Иш

ўринларининг катта қисми — 135,4 мингтаси (62,9 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, қарийб 70 мингтаси (32,5 фоиз) хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил қилинди.

Хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликларни касаначилик, хунармандчилик ва халқ хунармандчилигини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга оширишга фаол жалб қилиш ҳисобидан 53,1 мингта, хусусан, корхоналар билан кооперация асосида 18,6 мингта, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 11,8 мингта иш ўрни ташкил қилинди. 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 200 минг нафардан ортиқ киши касаначилик билан қамраб олинди.

Меҳнат бозорига фаол сиёсат юритиш аҳоли бандлигини 3 фоизга ошириш имконини берди ва бунинг натижасида иш билан банд аҳоли сони ўтган йилга қараганда 325,2 минг нафардан ортди ва 11,3 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши асосан қурилиш (105,8 фоиз), уй-жой-коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш (105,3 фоиз), транспорт ва алоқа (105,2 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (105,3 фоиз) кузатилмоқда.

Ҳисобот даврида бандлик ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлашга доир амалга оширилган тизимли ҳамда комплекс чора-тадбирлар натижасида аҳоли даромадлари ҳамда турмуш сифатининг ўсиш тенденцияси сақланиб қолди. Жорий йилнинг январь-февралда аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 19,6 фоизга кўпайди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида "Barkamol avlod yili" Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш учун 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион доллар йўналтирилди. Ёш оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида уларга 23,8 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. Ёшлар учун 106,8 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Таълим муассасалари ва болалар спорт объектиларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда ўқув-услубий адабиётни такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, жумладан, 1551 та мактабни компьютер техникаси, шунингдек, қишлоқ жойлардаги 316та мактабни ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги

нинг барқарор макроиқтисодий кўрсаткичлари ва иқтисодий-тимизнинг юқори даражада мувозанатлашгани ҳақон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва барта-раф этиш чораларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларининг ўз вақтида қабул қилингани ҳамда самарали амалга оширилганидан да-лолатдир.

Шу йилнинг 12 апрелида Тошкентда ўтказилган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон жамолида)» халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурига юксак баҳо берилди. Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодий илм-фани соҳасидаги етакчи олимлар, бизнесменлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилати, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислам тараққиёт банки каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Конференция иштирокчилари Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилашга доир қўри-лаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини таъкидлаган ҳолда, Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари доирасида давом этаётган улкан бунёдкорлик ишлари иқтисодий янада жадал юксалтириш, кенг кўламли таркибий ўзгаришларни рўёбга чиқариш ва мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

Инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш ва чуқурлаштириш, иқтисодийнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш жараёнини жадаллаштириш, аҳоли, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлаш учун ва пировард натижада, мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасининг юқори сифатини ҳамда халқимиз фаровонлигининг муттасил ошишини таъминлашга қаратилган барча зарур шарт-шароитларни яратиш ҳақон иқтисодийнинг инқироздан чиқишининг узоқ муддатли жараёни давомида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий янада барқарор ривожлантиришни таъминлаш борасидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси



# ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги кенгайрилган кўчма Хайъат мажлиси жорий йил 29 апрель куни Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида бўлиб ўтди. Мажлисни Хайъат раиси, Халқ таълими вазири А.Мараҳимов олиб борди. Унда халқ таълими тизимида олиб борилаётган ишлар сарҳисоби, таълим жараёнларида унинг самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, соҳада ўз ечимини қутаётган масалалар юзасидан муҳокамалар борди.

Дастлаб вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Дониёров Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 2010 йил 31 мартдаги тақдимномасида келтирилган ҳолатлар таҳлили ҳамда ўқувчи-ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида маъруза қилди. Маърузада бу йўналишда эришилган ютуқлар билан бирга, айрим мутасадди раҳбарлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар, ўқувчиларнинг дарсга тўлиқ қатнашини назорат қилишда сусткашликка йўл қўйиш ҳоллари мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, дарс вақтида мак-

табга бормаётган, сурункали дарс қолдирувчи ўқувчиларни аниқлаш, уларни таълимга қайтариш ва ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш мақсадида 2010 йил 10 апрель куни республиканинг ҳар бир шаҳар, туман марказида ўтказилган таҳлил натижалари маълум қилинди. Ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбия жараёнларида мунтазам ва фаол қатнашларини таъминлаш масаласининг долзарблиги яна бир бор таъкидланди.

Шундан сўнг хайъат раиси А.Мараҳимов 2010 йилнинг I чорагида халқ таълими тизимида амалга оширилган ишлар якуни ва II чорада режалаштирилган асосий вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Унда таълим муассасаларида яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш, таълим жараёнларини мазмунан сифат босқичига кўтариш энг устувор вазифа эканлиги алоҳида қайд этилди. Йиғилишда ушбу масала бўйича халқ таълими тизими фаолияти барча йўналишлар

бўйича танқидий ўрганилди ҳамда таҳлиллар асосида аниқ мақсадга йўналтирилган: халқ таълими тизими фаолиятини такомиллаштириш; ўқув-таълим жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш; ўқув-таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларини жорий этиш; маънавий ва ахлоқий тарбия ишлари самарадор-

чора-тадбирларининг тегишли бандларини амалга ошириш, таълим тизимида яратилган мавжуд шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, таълимнинг сифати ва самарадорлигини яхшилаш борасидаги ишларни жадаллаштириш ва ислохотлар изчиллигини таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

## Hay'at yig'lishida



Хайъат мажлиси кун тартиби доирасидаги учинчи масала — таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, таълим-тарбияни янги сифат босқичига кўтариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Дониёров, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Б.Султонов ва Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Э.Худойназаров, Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи З.Тешабоев маъруза қилди. Жорий йилнинг 5—18 апрель кунлари вазирлик ишчи гуруҳи томонидан Қорақалпоғистон

Республикаси, Хоразм ва Фарғона вилоятлари халқ таълими тизимида таълим сифатини ошириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва янгидан қурилиб, жиҳозланган таълим муассасаларидан самарали фойдаланиш борасида амалга оширилган ишлар ўрганилди ва тегишли кўрсатмалар бериб ўтилди.

Шунингдек, яқинда бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишида Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини тўла таъминлаш бўйича, таълим тизимидаги болалар спорт иншоотлари имкониятларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда ўқувчи-ёшларни спорт машғулотларига кенг жалб этиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва бунда мутасадди раҳбарлар масъулиятини ошириш тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилиб, бу йўналишдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Хайъат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан мутасадди раҳбар-ҳодимларга тегишли кўрсатмалар берилиб, Хайъат қарори қабул қилинди.

**Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати**

# ҲАР КАСБДА МАҲОРАТ ЗАРУР

(Давоми 1-бетда.)

Ҳар бир соҳанинг ўз мураккаблиги бўлади. Тикувчилик касби ҳам чевардан моҳирликни талаб қилади. Белгиланган топшириқда қизлар ёш болаларнинг шимини қисмларга бўлиб тиқишлари керак. Олдин унинг чизмаси олинади. Сўнг андоза қирқилиб, газламага туширилади. Бу ерга тикувчилик соҳасининг деярли барча элементларини ўрганган қизлар келишган. Ана шуни инобатга олган ҳолда қизларимиз ишни тўғридан-тўғри бичиқ бўлакларини текшириш ва тиқишга тайёрлашдан бошлашади. Харитада ана шу ҳаракатлар кетма-кет берилган. Улар вазифаларни харитадан фойдаланган ҳолда бажаришлари керак эди.

Яккасарой енгил саноат коллежида 7та тикув устахонаси мавжуд бўлиб, «Брайзер» тикув ва кашта тиқиш машиналари комплекти, Польша лойиҳаси асосида «JUKI» замонавий тикув машиналари ҳамда Россияда ишлаб чиқарилган тикув машиналари билан таъминланган.

— Коллежимизга 25та «Брайзер» русумидаги тикув машинаси келтирилди. Шунинг учун ҳам амалий шартларда бу ердаги тикувчилик машиналаридан фойдаланишда қийналмадим, — дейди Марғилон миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежи ўқувчиси Муқаддас Жабборова. — Шундай бўлсада, танловга келган тенгдошларим билан ўзаро суҳбатлашганимда уларнинг ишларидаги ўзига хослик, айниқса, Европа модасининг миллий аъналари мизга уйғунлаштириб ишланганлиги ҳайратимни оширди. Жараёнда фақатгина голибликни қўлга киритиш эмас ўз гоъларим билан ўртоқлашиб, улардан ҳам янгиликни ўрганишни ният қилдим.

Нигохимизни тикув машинасида эпчиллик билан ишлаётган Дилфуза Жалиловага қаратдик.

— Катталарнинг шимига қараганда ёш болаларнинг шимини тайёрлаш мураккаб жараён, — дейди Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежи ўқувчиси Дилфуза Жалилова. — Сабаби, шимнинг ҳар бир детали учун алоҳида вақт сарфлаш керак. Тикувчилик соҳасига онам меҳримни оширган. Ёшлигимдан кўғирчоқларимга ҳар хил қўйлақчалар тикардим. Катта бўлгач эса, бу хоҳишим тикувчиликка иштиёқимни оширди. Коллежимиз «Контекст

— Ташкий», «Дукай — Текстиль», «Омад Текс», «Зета Текс» масъулияти чекланган корхоналар билан амалиёт дарслари учун шартнома тузган. 3 ойлик амалиёт курсларини ҳам пойтахтимиздаги ана шундай ишлаб чиқариш корхоналарида ўтадик. Яқинда Буюк Британиянинг Лондон мода коллежи билан ҳамкорликда «Аёллар кийими» янги лойиҳасини тузганмиз.

Дарҳақиқат, Яккасарой коллежида тадбирни ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

Болалар шимининг олд қисмини тайёрлаб бўлган самарқандлик Матлуба Нишоновна орқа қисмини тайёрлаш учун бўлакларни дазмоллаб чиқди. Кейин олд чўнтак учун иккита, орқа чўнтак учун иккита қирқим ажратди. Жиззах вилоятидан келган Мафтуна Уролова эса шим бўлакларини бир-бирига улаб тиқиб чиқишга улгурибди.

— Энди шимнинг тепа «резина» қисми учун чизгич ёрдамида матодан парча қийилади, — дейди у.

— Шим тиқишда энг мураккаб жараён унинг чўнтакларини ҳамда шимнинг олд ва орқа бўлакларини бирлаштириб тиқиш, — дея гап бошлади кашқадарёлик Гулрухсора Номозова. — Буни бажариш менга оддий йўللارни устозимдан ўрганиб олганим учун мураккаб туюлмади. Бироқ унга «молния»ни бирлаштиришга ҳар қанча уринмай қийналаман. Бугун ҳам менга бу анча қийин бўлди. Лекин танлов катта тажриба мактабини ўтади. Кўп нарсаларни ўргандим. Ўзимдаги баъзи камчиликларни тўлдирдим.

Иштирокчилар вазифаларни бажаришга якун ясади. Улар тиккан «Болалар шими» тайёр бўлиб, ишни баҳолаш навбати ҳам келди.

Иштирокчиларни баҳолашда асбоб-ускуналар тўғри танланганлиги, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинганлиги, бичиқ бўлақларига намлаб-иситиб ишлов берилгани, шим ўрта қисмларига ишлов берганлиги, шим тақилмасига тасма қўйиб ишлов берилгани, шим белбоғининг равон тикилгани, почасига ишлов берилганига эътибор қилинди.

Танлов натижаларига кўра, Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежи ўқувчиси Дилфуза Жалилова биринчи, наманганлик чевар Дилором Масодидова, самарқандлик Матлуба

Нишоновна иккинчи, Бухородан келган Махбуба Ғофурова ҳамда Андижон кичик ва ўрта бизнес касб-хунар коллежи ўқувчиси Хилола Узоқова учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолибларга Республика Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

«Касб-маҳорати» Республика кўрик танлови ҳали давом этади.

## «БЎШ ВАҚТИМДА ХУНАР ЎРГАНAMAN»

Техника тараққиёти ва компьютер асри дея аталаётган XXI асрда ёшларнинг техника илмининг пухта билимдони бўлишлари давлатимиз равнақи-га муҳим замин ҳозирлайди.

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежида «Касб маҳорати» кўрик-танловининг «Маиший

хизмат машина ва асбобларини таъмирлаш» но-

## «Kasb mahorati — 2010»

минацияси бўйича Республика босқичида турли вилоятлардан келган 10 нафар иштирокчининг билим савияси, касбий кўникмаси ва тажрибалари синовдан ўтказилди. Мазкур танлов ҳам биринчи ва иккинчи босқичлар сингари назарий ва амалий синов шаклида кечди.

— Бугунги кунда касб-хунар коллежлари жамиятимизнинг кичик бир бўғини ҳисобланади. Битирувчи курс ўқувчиларининг иқтидорини ва интилишини мақсадли ривожлантириш, касбий маҳоратларини оширишга кенг имконият яратиш мақсадида ташкил қилинаётган бу каби тадбирлар таълим сифати ва мазмунини янада оширишга, ўқувчиларнинг танлаган касб йўналишлари бўйича меҳнат бозорига тайёргарлик салоҳиятини кучайтиришга хизмат қилади, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази бош мутахассиси, ҳакамлар хайъати аъзоси Нурмурод Чинниқулов. — Топшириқлар натижасини адолатли баҳолаш учун танлов якунига қадар иштирокчиларнинг исм-шарифлари сир тугилиб, рақамлаб чиқилди. Ким ўз касбини яхши ўзлаштира, моҳир бўлса, у ҳамisha эъзозда бўлади.

Кўрик-танловнинг 100 баллик тизим асосида баҳоланган назарий қисмида ўқувчилар тест саволларига жавоб беришди.

Мазкур танлов учун тузилган тест саволлари ва амалий синов топшириқлари вилоят миқёсида ўтказилган танлов бўйича ишлаб чиқилган савол ва топшириқларни таҳлилий ўрганиш асосида нисбатан мураккаброқ вариантда тайёрланган.

Амалий турда эса чангюткич, авометр каби асбобларни чизмалар ва технологик хариталардан фойдаланган ҳолда териб чиқиш бўйича ўқувчилар 3 йил давомида олган билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежида танловни рисоладагидек ўтказиш учун етарли шароит яратилган бўлиб, устахона, зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар, махсус кийим ва тарқатма материаллар танловнинг юқори савияда ўтишига хизмат қилди. Басҳлар ўтказилишидан олдин қатнашчилар хавфсизлик техникаси билан таништирилди.

— Амалий топшириқни адо этишда биздан санитария-гигиена талабларига риоя этиш, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш алоҳида талаб этилди. Ўқш давомида олган билимларим шартларни бажаришда менга қўл келяпти, бунинг учун таълим берган устозларимдан миннатдорман, — дейди сурхондарёлик иштирокчи Маъмур Бориев.

Бундан ташқари, баҳолаш жараёнида ўқувчиларнинг чизмалар ва технологик хариталарни тушуниши, технологик режимга тўғри амал қилиши, жиҳозлардан тўғри фойдаланиши, бажарилган ишининг сифатига эътибор қаратилди.

Танлов шартларини биринчи бўлиб бажаришга улгурган Игорь Бурнаевнинг фикрлари билан қизиқдик:

— Электротехника соҳасига оид фанларга жуда қизиқман. Шунингдек, бўш вақтларимда дурадгорлик билан ҳам шуғулланиб тураман. Бу ҳунарларни эгаллашимда устозларимнинг хизмати катта. Коллежда улар билан биргаликда олиб борган машғулотлар натижасида кўп нарсани ўргандим. Мен маиший хизмат кўрсатиш асбобларини ўлчаيدиган рақамли авометр асбобини яратдим. У ҳозирда фойдаланиб келинаётган авометрлардан ихчамлиги, кенг миқёсда ўлчаш имкониятига эга эканлиги билан афзал. Бугунги танлов ҳам осон кечаётгани йўқ.

(Давоми 16-бетда.)



## АДИБЛАРДАН БИРИ АЙТГАНИДЕК, "ТАБИАТДА МУВОЗАНАТ БОР, ЎЗ ИҚТИДОРИ БИЛАН ТУ- ФИЛМАГАН ОДАМ ХАЛИ ДУНЁГА КЕЛМАГАН". ШУ МАЪНОДА ҲОЗИРДА ЁШЛАРНИНГ ИСТЕЪ- ДОДИНИ АНИҚЛАШ, ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ЁШЛАР ИЖОДИЁТ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА.

Қўқон шаҳридаги 1-ижодиёт марказида 35та тўғарак бўлиб, шундан 10таси марказнинг асосий биносида, қолганлари ўқувчилар талаб ва эҳтиёжларидан, қизиқишларидан келиб чиқиб, мактабларда иш олиб боради. Ўқувчилар заргарлик, тикувчилик, доира чалиш, тасвирий санъат, замонавий дизайн ва миллий тўқувчилик каби тўғаракларга жалб қилинган.

— Ўқувчилар учун ижодиёт марказида, асосан, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда етарлича шароит яратилган. Тўғарак раҳбарлари ва аъзолари иштирокида юртимизда нишонланадиган

турли байрамларда кўргазмалар ташкил қилинади. Ўқувчилар ўз ижодлари орқали кўпроқ миллий кадриятларимизни намоён этишмоқда. Биз "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, меҳрибонлик уйлари, жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган болалар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Доирачилар тўғараги раҳбари Шавкат Азимов, тикувчилик тўғараги раҳбари Ҳанифа Баратбоева, аппликация тўғараги раҳбари Дилноза Йўлдошева каби тажрибали, фаол устозларнинг ишлари, айниқса, таҳсинга сазовор, — дей-

ди ижодиёт маркази раҳбари Зиёдаҳон Тўрақулова.

Марказ 2008 йили "Энг намунали мактабдан ташқари таълим муассасаси" кўрик-танловида вилоят ғолиби бўлди. Марказ кўргазмалар залида тўғарак аъзоларининг 100дан зиёд ижод намуналарини кўриш мумкин. Достон Орипов, Асадбек Азимов, Моҳирабону Ҳожимуродова, Шоҳсанам Шокирова, Азиз Аҳмедов каби кўплаб истеъдодли ўқувчилар турли кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

**Ғолиб БАҲРОМОВ**

## БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИНГ МАЪНАВИЯТИ ВА ДУНЁҚАРАШИНИ БОЙИТИШГА КАРАТИЛГАН ТУРЛИ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Ана шундай тадбирлардан бири "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида Тошкент давлат техника университети Талабалар касабаси уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан уюштирилди.

Университетда ҳар ойда бир марта таниқли ижодкорлар билан учрашув ўтказиш анъанага айланган. Бу галги тадбирга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ва шоир Шукур Қурбон тақлиф этилди. Улар талабалар билан "Бадий адабиёт — баркамол авлоднинг тарбиялашнинг муҳим омили" мавзусида суҳбат олиб боришди.

Ушбу кечада ёшларимиз Тоҳир Маликнинг кўнгли тубидаги гапларидан, насиҳатомуз сабоқларидан баҳра олишди. Шукур Қурбон ўқиган шеърлар эса йиғилганлар қалбига кўтаринчилик бахш этди.

**Отабек БОЗОРОВ**

## ЯҚИНДА АНГРЕН ШАҲРИДАГИ 34-МАКТАБ- ИНТЕРНАТДА ҲОМИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА- КИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА ХАЙРИЯ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ. ТАДБИРГА «ГРАНТ» НОДАВЛАТ РА- ДИОКАНАЛИ ИЖОДКОРЛАРИ ТАШРИФ БУЮРИ- ШИБ, ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР УЧУН КИЙИМ-КЕ- ЧАКЛАР ВА ИККИ ДОНА КОМПЬЮТЕР СОВҒА ҚИЛИШДИ.

Шаҳардаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбарияти болажонларга уч кунлик маданий ҳордиқ ва томошалар учун бепул чипталарни тақдим этди.

Бундан ташқари, «Олимжон—Файз» хусусий фирмаси раҳбари М.Тошбоева ҳам мактабгача тарбия гуруҳи тарбияланувчиларига совғалар улашди.

Тадбир давомида илм масканининг «Родничок» рақс гуруҳи аъзолари ижросидаги жозибали рақслар ҳамда Тошкент вилоят давлат педагогика институти «Иқбол» ансамбли гуруҳининг дилтортар кўшиқлари кеча файзига янада файз киритди.

**Сарвиноз ТУРДИЕВА,  
Ангрэн шаҳридаги 34-мактаб-интернат  
кутубхона мудираси**

## СОҒ ТАНДА — СОҒ- ЛОМ АҚЛ, ДЕЙДИ ХАЛҚИМИЗ. КИШИ СА- ЛОМАТЛИГИ ОИЛАНИНГ, ДЕМАК, ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲҚАМ БЎЛИШИДА КАТТА РОЛ ЎЙНАЙДИ. АЙНИҚСА, ЁШ АВЛОДНИ СОҒЛОМ ВОЯГА ЕТКА- ЗИШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ- ДИР.

Бу борадаги ишларнинг давоми сифатида Чилонзор тиббиёт коллежида «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш долзарб вазифи» мавзусида семинар-учрашув ўтказилди.

— Билимдон, келажакда жамиятга нафи тегадиган шахсларни баркамол қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг вазифамиз, — дейди коллеж директори Искандар Муқимжонов.

Тадбирда, шунингдек, 35-Оилавий поликлиника бош шифокори Саодат Ҳамидова сўзга чиқиб, аҳоли ўртасида репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш хусусида тўхталиб ўтди.

— Бунинг учун даставвал ҳар бир бўлажак мутахассис ўз соҳасини мукамал эгаллаши лозим, — дейди у.

Тадбирда Тошкент шаҳар маънавият тарғибот маркази раҳбари Иброҳим Абдуганиев ҳамда Чилонзор туман вакили Ҳалима Ҳайдарова ҳам сўз олди.

Учрашув якунида коллеж ўқувчилари бундай саломатлик борасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг аҳамияти нечоғлик зарур эканлигини тушуниб етдилар.

**Дилором ЎНГБОВЕВА,  
шу-коллеж ўқитувчиси**

## ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ «ҒУНЧА» НОМЛИ 180-МТМДА БЎЛИБ ЎТГАН «ОЧИҚ МАШҒУЛОТЛАР ФЕСТИВАЛИ»ДА ТУМАНДАГИ МТМлар ТАРБИЯЧИ ВА УСЛУБЧИЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбир болажонларнинг "Баркамол авлод йили"га бағишлаб тайёрлаган кўшиқ ва шеърларидан иборат музика чизиқлари билан бошланди.

Дастлаб, МТМ тарбиячиси Зулфия Тўхтаеваниннг ўзбек халқ эртаги — "Зумрад ва Қиммат" асосида тайёрлаган очиқ машғулотини намойиш этилди. Кичкинтойларни ҳам ақлий, ҳам жисмоний шартларни бажаришга ундовчи ушбу очиқ машғулот меҳмонлар олқишига сазовор бўлди. Чунки ушбу эртақ сюжетига замонавий руҳ берилган бўлиб, машғулот шартига кўра, жажжи шоввозлар кампирнинг хазинасини топиш учун махсус харита бўйича ҳаракатланишлари керак эди. Йўл давомида болажонлар нафақат жисмоний ва ақлий машқларни, балки йўл ҳаракати белгилари ва

қоидаларига оид амалларни бажаришди.

Тарбиячи Нодира Тўйчиева томонидан очиқ машғулот ўтилди. Унда жажжилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда, чизганларини пантомимом усулида ифодалаш, уй-рўзғор буюмларини ажратиш, харид қилиш, топишмоқ топиш ва ҳаёт хавфсизлигига оид қатор шартлар бўйича ўзаро беллашдилар.

— Бу каби очиқ машғулотлар тарбиячиларнинг шахсий тажрибасини ривожлантириш ва ҳамкасблари билан ўзаро бирдамликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди боғча мудираси Нодира Раҳмонова. — Болалар иштирокидаги бундай қизиқарли чизиқлар уларнинг руҳиятига ҳам ижобий таъсир этди.

**Ш.ҚОБИЛОВ**

## ҚАРШИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕН- ТИНИНГ «ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, СОҒЛОМ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАД- БИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «2009 — 2013 ЙИЛЛАРДА АҲОЛИНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, СОҒЛОМ БОЛА ТУҒИЛИШИ, ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯ- ГА ЕТКАЗИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ВА СА- МАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИ- ДА»ГИ ҚАРОРИ ВА «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН СЕМИ- НАР БЎЛИБ ЎТДИ.


Семинарда вилоятнинг шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари, вилоят ССБ мутахассислари, туғруқ комплекслари бош шифокорлари, хотин-қизлар кўмиталари вакиллари, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят филиали мутахассислари иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг малакали мутахассислари она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда менежментлик бошқарув тизимини яхшилаш, болаларни интег-

раллашган усулда даволашни олиб бориш ва бошқа мавзуларда маъруза қилдилар.

Шунингдек, йиғилишда болаларда учрайдиган касалликларнинг биринчи белгилари пайдо бўлган ҳолатларда уларни ўз вақтида шифохонага олиб бориш, тиббий ходимларнинг касаллик белгиларини тўғри аниқлаб, самарали шошилч тиббий ёрдам кўрсатиш, оғир ва асоратли ҳолатларнинг олдини олиш, она сутининг бебаҳо неъмат эканлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ**



## ТАРБИЯ ҒОЯТ МУРАККАБ ЖАРАЁН БЎЛИБ, ЎЗИНИНГ ИЧКИ ҚОНУНИЯТЛАРИГА ЭҒА. ОТА-ОНАНИНГ МЕҲРИ, ГАМХЎРЛИГИ, ШАХСИЙ ИБРАТИ БОЛАЛАР УЧУН СУВ ВА ХАВОДЕК ЗА- РУР. БОЛА ЯХШИМИ-ЁМОНМИ ТАРБИЯНИ ОИЛА- ДАН ОЛАДИ. ЗЕРО, ДОНО ХАЛҚИМИЗДА «КУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ» ДЕГАН ПУРҲИ- МАТ ГАП БЕЖИЗ АЙТИЛМАГАН.

Тошкент туманидаги 32-мактабда «Фарзанд тарбиясида оила ва мактаб ҳамкорлиги» мавзусида юқори синф ўқувчилари учун маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Низомий номидаги ТДПУ профессори Ойшахон Тўраева иштирок этиб, фарзанднинг ота-она олдидики бурчи, шарқона урф-одатлар, миллий кадриятлар, «Ёшлик — бебошлик» ёки аксинча, «Ёшлик — доноликнинг бошланиши» бўлиши оиладаги тарбияга боғлиқлигини ҳаётий воқеалар, ибратли ривоятлар орқали уқтириб ўтди.

Иштирокчилар — «Наврўз» ва «Оқтепа» маҳалласи фаоллари, мактаб ўқитувчи ҳамда ўқувчилари бу суҳбатдан зарур хулосалар чиқаришди.

Тадбирнинг 2-қисмида «Моҳир кўллар», «Ёш рассомлар», «Кўли гул тўқувчилар», «Миллий кураш», «Ёш қаламқашлар» каби тўғарак аъзолари тайёрлаган кўргаз-

малар намойиши ўтказилиб, ҳар бир тўғарак ўз иш фаолиятинанг намуналар кўрсатди. Айниқса, мактабдаги «Кўзмунчоқ» рақс дастаси аъзолари Нодира Мирзоидова, Шоҳсанам Шоабророва ижро этган миллий рақслар, миллий кийимлар намойиши тадбирни янада жонлантирди.

— Бугунги маърифий суҳбат ўсмир ёшидаги қиз ва йигитлар, ота-оналар учун ниҳоятда фойдали бўлди, — дейди мактаб директори Рустам Ҳикматов. — Фарзанд ота-она, ота-она эса фарзанд олдидики вазифа ва бурчини, оила ибратини энг кучли тарбия воситаси эканини йиғилганлар англаб етди.

Тадбир сўнгида оила «Оила — муқаддас кўрғон» китобидан дастхати битилган ҳолда мактаб кутубхонасига совға қилди.

**Маҳмуда ЗОИРХОН  
қизи**

**Суратда тадбирдан  
лавҳа акс этган.**



## «ЎТАР ИНСОН ЯХШИ-ЁМОНИ, МЕҲ ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР». ШОИР ҚАЛАМИДАН УШБУ ҲИКМАТ ТЎКИЛАЁТГАНДА ЙИЛЛАР ЎТИБ БУ САТРАЛАР АЙНАН УНИ ЭСЛА- ГАНДА ОДАМЛАР ҚАЛБИДА БОТ-БОТ ТАҚРОРЛА- НАДИ, ДЕЯ ЎЙЛАМАГАН БЎЛСА КЕРАК.

Баҳмал туманидаги 9-мактабда ўтказилган "Муҳаммад Юсуф — ўзбек шеърятининг юлдузи" деб номланган назм ва наво кечаси эл суйган шоирнинг ёрқин хотирасига бағишланди. Унда мактаб жамоаси, шоирнинг мухлислари ва меҳмонлар жамулжам бўлдилар.

Кечада ўқувчилар икки гуруҳга бўлиниб, шоир ҳаёти ва ижодидан «савол-жавоб», «мушоира» ва «жонли ижро» шартларида ўзаро беллашдилар. Айниқса, шоирнинг «Ўзбекистон» шеърини куйга солиб, кўшиққа айлантирган Ифтихор Узоқовнинг чиқишидан кейин қарсақлар кети узилмади.

— Муҳаммад Юсуф ўзининг халқона шеърлари билан кишилар юрагига чўғ ташлай олди, — дейди тадбир ташкилотчиси, адабиёт фани ўқитувчиси Йўлдош Каримов. — Энди уни меҳр билан, муҳаббат билан ёниб эслаймиз. Унинг шеърлари тиллардан тилларга кўчиб, халқнинг маънавий хазинасига айланиб бораверади.

**Дилшод КАРИМОВ**



# ВИРТУАЛ ОЛИМПИАДА:

## ЎҚУВЧИНИ ФАОЛЛИККА УНД Айди

Бугунги кунда компьютер технологиялари кириб бормаган, унинг имкониятларидан фойдаланмайдиган бирор соҳа йўқ, десак муболаға бўлмайди. Унинг имкониятларидан оқилона фойдалана билиш бобда фарзандларимиз ривожланган мамлакатларнинг ёшлари билан теппа-тенг рақобатлаша оладилар.

«2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастуричи амалга ошириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қароридаги асосий йўналишлардан бири ҳам айнан мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, **компьютер техникаси**, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш бўлгани бежиз эмас. Бугунги кунда у асосда кенг қўламдаги ишлар амалга оширилди. Энди эса таълим муассасалари олдида ушбу жиҳозлардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш вазифаси турибди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 16 декабрдаги «**Ахборот таълим портали**»да сиртки фан олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги 317-сонли буйруғи бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Мактаб ўқувчиларининг иқтидорли ва қобилиятини юзага қиариш, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ошириш, ноёб фазилатларини янада ривожлантириш, таълимнинг кейинги босқичларида иштирокчиларни республика олимпиадаларига жалб қилиш мақсадида ўтказилаётган олимпиаданинг бу турига аввалги ўқув йилларида асос солиниб, тажриба тўпланди. 2008—2009 ўқув йилида илк бор расман уюштирилган сиртки фан олимпиадасида голиб чиққан ўқувчилардан бир гуруҳи Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Жиззах вилоятининг хушманзара Фориш ва Зомин туманларида ташкил этилган «Ёзги мактаб»да дам олиш билан бир вақтда фаннинг етук мутахассисларидан сабоқ олишди.

Халқ таълими вазирлиги

2009—2010 ўқув йилида ҳам сиртки фан олимпиадасини ўтказишга жиддий эътибор қаратган ҳолда «Ахборот таълим портали»да сиртки фан олимпиадаларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги буйруқни Республика миқёсида интернет тизими орқали бундай кенг масштабдаги тадбирларнинг ўтказилиши муайян фанга қизиқадиغان, ўз билим доирасини доимий ошириб бораётган иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сиртки фан олимпиадаларини 5та — **физика, математика, кимё, информатика ва иқтисодий билим асослари** фанларидан ўтказиш мўлжалланган бўлиб, у уч босқичда ташкил этилди. Белгиланган фанлар бўйича масалалар Халқ таълими вазирлигининг ахборот-таълим портали (eduportal.uz)га 30 ноябрдан жойлаштирилиб, «Ma'rifat» — «Учитель Узбекистана» газеталарида эълон қилинди. 30 декабрга қадар барча фанлар бўйича масала ечимлари республика ташкилий қўмитасининг кўрсатилган манзилларида юборилди. Бу босқичда ўқувчилар учун қисман енгил, содда усулда ечиш имконини берувчи масалалар тақдим этилди. Ярим финал босқичи ҳам худди шу тартибда 5 январдан 15 февралгача ўтказилиб, ниҳоят финал босқичига апрель ойида яқун ясалди.

Ахборот таълим порталига келиб тushган масалалар ечимлари таҳлили шуни кўрсатадики, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари орасида фан асосларини мукаммал эгаллашга интилаётган иқтидорли ёшлар кўп. Математика фани бўйича Тошкент, Бухоро, Қашқадарё вилоятларининг ўқувчилари фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, Қибрай туманидаги 9-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Жадира Мирзабекова учала босқичда ҳам мунтазам қатнашиб, юқори кўрсаткичга эришди. Айниқса, Бухоро вилояти

Коровулбозор туманидаги 8-давлат ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари Достон Райимов, Ислоҳ Пўлатов, Муродилла Уроқов Қарши шаҳридаги 2-мактабдан Хумоюн Хайруллаев, Касби туманидаги 53-давлат ихтисослаштирилган мактабдан Руслан Мирбадаловнинг фаоллиги алоҳида эътиборга муносиб.

Аммо, ўз навбатида қайд этиш жоизки, айрим ўқувчилар биринчи тур топшириқларига жавоб юборган бўлса, иккинчи босқичда қатнашишга

### «Sirtqi olimpiada — 2010»



ҳафсала қилмаганликлари ёхуд финал босқичида яна кўриниб қолганликлари кишини ажаблантиради. Ана шунинг натижасида голибларни аниқлаш қийинчилик туғдирди. Ўринларни белгилашда, албатта, ўқувчиларнинг барча босқичлардаги тўлиқ иштироки инобатга олиниши ушбу олимпиада ни ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган низомда кўрсатиб ўтилган.

Информатика фани бўйича юқори балл тўплаганлар орасида **Тошкент вилояти Паркент туманидаги 10-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчилари Турсунбой Толипов, Жаҳонгир Қутибоев, Лазиз Юнусов** билан бир қаторда **Бухоро вилояти Коровулбозор туманидаги 8-давлат ихтисослаштирилган**

мактабининг 9-синф ўқувчиларидан **бир гуруҳи ҳам бор. Шунингдек, Навоий шаҳридаги 4-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Бунёд Сайфуллаев** ҳам юқори балл тўплашга муваффақ бўлди.

Физика, кимё, иқтисодий билим асослари фанлари бўйича сиртки фан олимпиада топшириқларини бажаришда кўрсатиб ўтилган вилоятлардан ташқари Термиз (4-ДИМИ) ва Тошкент шаҳридаги (112,11,227) мактабларнинг ўқувчилари фаол иштирок этди. Хар бир фан бўйича топшириқлар ечимини текширувдан ўтка-

яқунланди, юқори балл тўплаганлар аниқланди. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, биринчи босқичда иштирок этиб, иккинчи турга эътиборсизлик билан қараган ва аввалги икки жараёнда қатнашмай туриб, финал босқичига жавоб йўллаган ўқувчилар орасидан фахрли ўрин соҳибларини аниқлаш қийин кечди. Шундай бўлса-да, умумий ҳулоса мактаб ўқувчилари орасида интернет тизими билан ишлашда малака ва кўникамага эга, айна вақтда фанлардан юқори ўзлаштиришга эришаётган ўқувчилар кўплигини кўрсатмоқда. Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Қорақалпоғистон Республикаси каби ҳудудлардан бирорта ўқувчининг сиртки фан олимпиадасида иштирок этмаганлиги маҳаллий халқ таълими бошқармаларининг бу масалага эътиборсизлик билан қараганлигидан далолат беради.

Бу йилги ахборот-таълим порталида ташкил этилган сиртки фан олимпиадасида голиб чиққан ўқувчилар қандай имтиёزلардан фойдаланади, деган савол кўпчиликни қизиқтириши, табиий. Шу йилнинг август ойида энг юқори балл тўплаган ўқувчилардан бир гуруҳининг «Ёзги мактаб»да дам олиши режалаштирилган. Бу мактабда иқтидорли ўқувчиларга фан арбобларининг машғулоти уюштирилади. Бундан ташқари, 9-синф ўқувчилари эришган ютуқ уларнинг таълимнинг кейинги босқичларида қамраб олинишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шубҳасиз, бундай иқтидорли ўқувчилар академик лицейда ўқийдими ёки касб-хунар коллежида таълим оладими, республика фан олимпиадаларида ҳам қатнашиб, кейинчалик нуфузли олий ўқув юртларида тахсилни давом эттирадилар. Уларнинг келажаги учун амалга оширилаётган бугунги ишлар шундан далолат беради.

**Низом КАРИМОВ,**  
Республика таълим маркази аниқ фанлар бўлими бошлғи,  
ташкрий қўмита аъзоси,  
**Хулқар ТҲЙМАНОВА,**  
«Ma'rifat» муҳбири

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси Япония ҳукуматининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ўн йилдан буён ҳамкор. Шу кунгача элчихонанинг кичик ҳажмдаги грантлари вилоятдаги 24та умумтаълим мактабларига топширилиб, уларга 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратилди. Натижада, таълим даргоҳларига берилган беғараз ёрдам маблағига қўшимча равишда ўқув қуроллари, парта, стол, стул, доска, кийим ва китоб жавонлари, тикув машиналари, спорт анжомлари, компьютер, видеомагнитофон, телевизор, мусиқа маркази ҳамда нусха кўчириш жиҳозлари харид қилинди.

Сермаҳсул ҳамкорлик айна пайтда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг март ойида Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан Андижон шаҳридаги 37-умумтаълим мактаби ва Пахтаобод туманидаги 31-мактаб-интернатига қўшимча маблағлар ажратилди.

## ИМКОНИЯТНИ ОШИРГАН ТУҲФА

Бундан аввал грант олган Балиқчи туманидаги 37-, Андижон туманининг 36-, Андижон шаҳридаги 24-, Шаҳрихон туманининг 4-умумтаълим мактабларида бугун сармоядан ташқари маблағ топиш ва ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш борасида намунали ишлар йўлга қўйилган. Энг муҳими, ўқувчиларда меҳнатга иштиёқ, касб-хунар ўрганишга қизиқиш ортмоқда.

Андижон туманидаги 36-умумтаълим мактабига 2008 йилда 74 минг доллар миқдоридан Япония гранти берилган эди. Бу орқали мактаб синфхоналари қўшимча замонавий, ўқув қуроллари

билан таъминланди. Ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун яхши шароит яратилди. Дарсларда замонавий техника воситаларидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, дарсдан бўш вақтларда тикув машиналаридан фойдаланиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу жойда турли хил парда, ўқувчилар формаси, мактабгача таълим муассасалари учун кўрпа филофлар тикилмоқда.

Шаҳрихон туманидаги 4-умумтаълим мактаби эса 2003 йилда грант ютиб олганди. Бугунги кунда мактабда тайёрланаётган ўқитувчи ва ўқувчилар меҳ-

нати маҳсулотлари сифатлилиги ва ҳамёнбоплиги билан харидоргир. Қолаверса, Андижон шаҳридаги 24-мактабда тайёрланаётган «Элита» усулидаги пардалар кўпчиликнинг назарига тушди. Бу ерда ўқувчилар дарсдан бўш пайтларида бичиш-тикиш сирларини астойдил ўрганмоқда. Балиқчи туманидаги 39-мактаб вилоятдаги намунали ўқув даргоҳларидан бири бўлиб, бугун мактаб педагогик жамоаси кўплаб ютуқларга эришяпти.

Грант эвазига келтирилган тикув машиналаридан имкон қадар самарали фойдаланиб, йилига 2 миллион сўм даромадга эга бўляпмиз, — дейди 39-мактаб директори Фарида Йўлдошева. — Маблағлар эса фидойи муаллимлар ва аълочи ўқувчиларни рағбатлантиришга, кам даромадли оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлашга ва ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга сарфланмоқда.

**Орифжон СИДДИҚОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири

— Kechirasizlar, agar dars zarur bo'lsa, o'zinglar o'qib olarsizlar. Men bu sharoitda darsni davom ettirmayman, — deya domla xonadan chiqib ketdi. To'g'risi, domlani ham, fanni ham hurmat qilaman. Bir-ikki telefonni deb dars buzilganiga asablarim qaqshadi.

Bola o'yinda amaliy ehtiyojlarga qaram bo'lmaydi. U o'z ehtiyoj va qiziqishlaridan kelib chiqib, o'yinchoqlar bilan munosabatda bo'ladi.

# “Илтимос, телефонни ўчиринг!”

**Kuzatuv**

**Бугун уяли алоқа воситаси жуда кўп мунозараларга сабаб бўляпти. Унинг қулайлиги кишини қувонтирса, айрим қўшимча хизматлари баъзан гашингни келтираркан.**

...Иқтисод назарияси фанидан маъруза бошланди. Устоимиз тахрибали, назарий ва амалий жиҳатлари ноглаб дарсни қизиқарли ўтади. У киши талабалардан уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйишларини илтмос қилди. Талабалар гарчи «хўп» деган бўлсалар-да, кимдир уни ўчирди, кимнингдир «қўзи қиймади». Ҳа, ҳар кун бозор ёки дўкондан бирор нарса харид қиларканмиз, ўзимиз билмаган ҳолда иқтисод қонунларига дуч келамиз...

— Иқтисоддан ҳар кунлик ҳаётимизда фойдаланамиз. Масалан... Шу пайт хонада телефоннинг (негадир бу гал ёқимсиз!) овози эшитилди. Домла бир қараб қўйдию, индамади. Телефони жиринглаган талаба эса узур сўраб уни ўчириб қўйди.

— Хўш, қаерга келгандик? — домла асабийлашгани сездирмаслик учун ютиниб қўйди. — Ҳа, ҳар кун бозор ёки дўкондан бирор нарса харид қиларканмиз, ўзимиз билмаган ҳолда иқтисод қонунларига дуч келамиз...

— Яна кимнингдир телефони дан жангдор овоз янгради: «Нечун йироқлаб кетдинг, яна соғиндим яна».

Кеча бағримда эдинг, яна соғиндим яна... Хонага оғир суратда чўкди. Назаримда, орқа панатада телефонда пичирлаб гаплашган киз ҳам чўчиб кетди шекли.

— Кечирасизлар, агар дарз зарур бўлса, ўзинглар ўқиб олурсизлар. Мен бу шaroitда дарсни давом эттиролмайман, — дея домла хонадан чиқиб кетди.

Тўғриси, домлани ҳам, фани ҳам ҳурмат қиламан. Биринчи телефонни деб дарз бузилганга асабларим қакшади.

Дарслар тутаб, уйга қайтиш учун йўналиш микроавтобусига чикдим. Тўғриси, талабалигим учун автобусда юрар-

флар билан шундай ўзув илинган: «Илтмос, ҳайдовчини чалғитмаслик учун уяли алоқа воситасини ўчириб қўйинг». «Ха-а», деб қўйдим. Маршрутка йўловчилар билан тўлган эса ҳақиқий томоша бошланди.

— Алло, алло, Наргиз, яхшимисиз?! Уй ичлари, болалар, набиралар катта бўлишарми? Уқитувчи бироз тадраддуланди-да, мавзуни бошлади.

— Иқтисоддан ҳар кунлик ҳаётимизда фойдаланамиз. Масалан... Шу пайт хонада телефоннинг (негадир бу гал ёқимсиз!) овози эшитилди.

— Уғлингнинг феъли торроқ экан... Келин топиш муаммо бўлаётганмиш... «Бозорда нарх-наво ошганмиш»... «Уч ёшли набираси сотқасиз боғчага бормасмиш»... ва яна алланамилар. «Дод», деб юбор-ри дедию, наилоҳ. Аёлни-нинг 10 дақиқадан бери давом эта-тган ва ҳамон ниҳоясига ет-маган суҳбатига ёнимдаги ўта жиддий йиғитини жирингла-ган телефони жўр бўлди.

— Ҳа, оқа, ҳозир бораман. Битади дивоман-ку, братан. Эта не телефоннинг разгавор. Тушунасми-ей.

«Не телефоннинг разгавор» беш дақиқа давом этди. Йи-гитининг асабий муомаласидан йўловчилар ҳам бир айб иш қилгандек мунгайибгина қолишди. Пул тўлаганман, ту-шиб кетишга кўз қиймади. Утириб кетай десам, телефон кўнгириқларини тинглашга бардошим етмагпти.

— Шу ерда тўхтаиб юборинг, — ўсимир қизалоқнинг овози секингина чикди. Шо-фёр эса бир бекат нарига бо-риб тўхтади: «Уэр сингилм, телефонда гаплашишқиз деб ўйлабман».

Биргина маршрутқадаги ярим соатлик кузатувим даво-мида ҳайдовчиларга осон эмас-лигини тушундим. Мен ҳам манзилгимга боргач, тушиб қоларман. Ҳайдовчи эса кун бўйи турфа феъл-атвордаги, турли ёш ва касбадаги киши-ларга, яъни йўловчиларга хизмат қилишга мажбур. Шу аснода у кимларнингдир ёмон кайфиятини, битмай қолган ишини, тузалмас

дардини ва ёки шунчаки гийбатни эшитишга ва чидашга маҳкум бўлиб қоляпти. Бу охир-оқибат нафақат улловни, балки ўзини-да бошқаролмай қолишига сабаб бўлиши мумкин-ку? Тепадаги ўзув эса ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади: «Илтмос, ҳайдовчи-ни чалғит-маслик учун уяли алоқа воситасини ўчириб қўйинг!»

**Мухаммадҷон ЭРХОНОВ, талаба**

Ўқувчилик йилларида илк ижодий уринишларимиз мактабнинг деворий газетасидан жой олган. Бундаин чиккишлар биз учун катта қувончи воқелика айланган. Демак, биз биринчи рағбатни, мухлисларимизни ана шу кичик нашр орқали топганмиз. Кимдир иллик сўз айтса, кимдир каттаю кичик хатоларимизни ўқтирган. Энди англасам, ўзига ишончу, мунаққидларимизни кашф этган ҳам ана шу деворий газета бўлган. Ибрат намунаси не эканини кўрсата олган, муаммоларни бартараф этишга диққатларни жам этган ҳам илм маскани йўлагидаги деворда ҳар ой янгилаиб турадиган ана шу «овоз» бўлган. Уни кимдир мамнун, кимдир юзлари қизарганча, албатта, ўқирди. Шақсизки, бефарқликка қарши курашини воситаси ҳам эди у...

Бугун деворий газета орқали «улгайиб», озми-кўпми нималардир ёзишга уринар эканман, касб тақозоси яна мени мактаблар томон бошлаб боради. Ва албатта, билим даргоҳла-

рининг кўзгуси саналми... деворий газеталарни кузатаман. Лекин, афсуски, баъзи ҳолатларда дейлик, ёз бўлса-да, кишининг қайсидир байрами сабаб чикарилганча деворий «безаб» турган плакатга ёпиштирилган бир неча варақ битиклар ёхуд бирор тадбир боис тайёрланганча ҳамон ранг-рўйи саргайганча осылб турган «кўрғазма»ларга дуч келаман. Нега? Наҳотки деворий газета ўша биз тасаввур қилган мавқеини йўқотган? Аслида уни тайёрлашнинг маълуми бир мезонлари борми?

Ҳамиша мактабда янгилаишлар, юксалишлар, хуллас қайноқ бир жараён хум суради. Бу рух аввало, биз юқорида тилга олган газетада ўз аксини топмоғи жоиз эмасми? Қисқача айтганда мактаб ўзининг мунтазам суратда чикарилиб турувчи ўз ойнасига эгами? Шу каби масалаларга оидинлик киритиш мақсадида Республика таълим марказининг маънавий-маърифий ишлар бўлими методисти Муқаддас ОМОНОВА билан мулоқот уюштирдик.

# МАКТАБ ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАСИ

## у таълим-тарбия воситаси ҳамдир

— Албатта, маънавий-маърифий тарбия масаласи жуда кўп омилларга таънади. Бунда ҳар бир янгилаиш ҳеч бир ўқувчининг назаридан четда қолмайдиган деворий газеталардан самарали фойдаланиш ҳам таълим-тарбия, ўғил-қизларимизнинг истеъдодларини кашф этиш, қўллаб-қувватлаш сабаби саналган воситалардан саналади. Жойларда учраётган хилма-хил ёндашув нуктаи назаридан олиб қарасак, мактаб деворий газетасининг чикарилиши борасида маълум талаблар мавжудми?

— Чиндан ҳам деворий газета мактабда таълим-тарбия ишини ташкил қилиш ва бошқаришда жиддий аҳамиятга эга бўлган воситалардан саналади. У болаларга руҳан ва маънавий таъсир этиш кучига эга. Унинг чиқишлари орқали мавжуд ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш имконияти яратилади ва бу ижодий натижаларга эришиш йўлларини белгилашга кўмаклашади.

Мактаб деворий газетасини шакллантиришда қуйидагиларга эътибор бериш лозим: у мақолалар, хабарлар, адабий жанрлар, иллюстрациялар ва турли безаб элементлари-

дан ташкил топади. Деворий газетанинг номи унинг энг кўзга ташланадиган элементидир. Номлашни унинг мақсад-вазифаларига ва алоҳида хусусиятларига мувофиқ келиши керак.

Мақолалар аниқ мавзуга бағишланган бўлиб, улар муаллифнинг шу мавзу юзасидан кузатган, ўрганган маълумотлари ва чикарган хулосаларининг қисқача баёнидир. Мақола ёзиш жўнгина иш бўлмай, балки мавзуни танлаш, маъно аъзоларининг шу мавзуга тегишли фикрларини, муносабатларини тўллаш ва уларни атрофлича ўрганиш, тўғри ва нотўғри фикрларни ажраттиш, зарур бўлган тақдирда масъул кишилардан маслаҳатлар олиш, тегишли мутахассислар билан маслаҳатлашиш каби босқичлардан иборат мураккаб жараёндр.

Деворий газета ўз вазифасини тўғри адо этиши учун зарур шароитларни яратиш мўҳим ўзун тутаети. Мактаб маъмурияти газетани тайёрлаш учун доимий жойни белгилаб бериш ва зарур материаллар: қоғоз, бўёқлар, плакат, перо, чўтка ва бошқалар билан таъминлаш масаласи-

чилар ташкилотлари томонидан чикарилади. Газетада баъзида учраб турадиган ўқувчиларнинг хулқ-атворидаги камчиликлар, жамоат топшириқларини бажаришдаги масъулиятсизликлар кулги йўли билан фох этилади. Танқидий газетанинг бош мақсади — фақат турли нуқсонларни акс эттиришдангина иборат бўлиб қолмай, балки ижодий далиллардан ҳам фойдаланишидир. Шунда унинг тарбиявий таъсир доираси кенгайиб боради. Бундай газеталарни ойда бир марта чикариб туриш яхши самара беради.

Ўқув предметлари ва тўғарақлар газеталари ҳар бир фан бўйича чикарилади ва фан тўғарақларининг наشري ҳисобланади. Бу газеталар ишига фан ўқитувчилари ҳамда тўғарақ раҳбарлари бошчи-


лик қилади. Уларда жумладан, фан тарихи, замонавий фан келажаги, қизиқарли далиллар, ўқувчилар билан савол-жавоблар акс этади.

— Ишни ташкил этишда нималарга эътибор қаратмоқ жоиз?

— Мактабдаги барча деворий газеталар ишига умумий раҳбарликни мактаб раҳбарияти болалар ва ўсимрлар ташкилотлари билан бир-галикда амалга оширади. Муассасадаги ҳар бир жамоа ташкилоти ўзининг умумий йиғилишида деворий газета муҳаррирларини ва тахрир хайъати аъзоларини сайлайди. Тахрир хайъати таркибиде муҳаррир, муҳаррир ўринбосари, ёш муҳбирлар, фоторепортёрлар, рассом ва жамоатчи муҳбирлар бўлади.

Эътибор қаратиш жоизки, деворий газета учун «мутахассис»лар тайёр-

# Ўйинчоқнинг бола руҳиятига таъсири



Бола ҳаётда ўйинчоқ ва кўнгириқларнинг аҳамияти беқийс. Тўғри танланган ўйинчоқ ўғил болаларни уддабурон, қаққон, топқир, қизларни эса меҳр-шафқатли, уй-рўзгор ишларига қиришимли қилиб тарбиялаш билан бирга, уларни хайъта, турмушнинг оғир-енгли синовалларга тайёрлаб беришда ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўйинчоқ ҳаётий воқелик акс этади. Ўйин ўйнаш жараёнида боланинг руҳий ҳолати, иродаси, ҳиссиёти, эҳтиёжи, қизиқишлари, таъсирчанлиги, яъни унинг бутун шахсияти шаклланади. Бола ўйинда амалий эҳтиёжларга қарам бўлмайди. У ўз эҳтиёж ва қизиқишларидан келиб чиқиб, ўйинчоқлар билан муносабатда бўлади. Болалар ўйинчоқлар орқали мустақил ижодий ўйинларни ўзлари ўйлаб топадилар, ўз тасаввурлари, кўрган-эшитган, ҳис қилган нарсалардан «Мульти-рига нисбатан муносабатларини акс эттирадилар.

Ўйинчоқнинг санъатга яқинлиги сюжетли, ролли ўйинлардан эстетик тарбияда фойдаланиш имконини яратаети. Ўйиндаги ижодкорлик билан боғлиқ бўлган туйғулар эстетик кўриниш касб этади. Ўйинда боланинг катта ҳаракат тажрибаси шаклланади. Икки ёшдаги болалар хайътада сюжетли ўйинчоқлар билан жуда оқддий ўйинлар ўтказилади. Болалар бу ўйинчоқларни қўлда ушлаб юрадилар, сиқиб қурдилар, ерга ташлаб кузатадилар, гилди-ратадилар, нима тасвирланганли-гига кўпинча эътибор бермайди-лар. Бу ёшда уларга қундалик хайъта, теваарак-атрофдаги катта кишилар ва тенгқурларни ҳаракатини кузатиб боришни ҳамда бунни ўз ўйинларида акс эттири-шни ўргатиш лозим. Ўйинчоқ танлашда боланинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, истаклари ҳисобга олинади. Аниқ мақсадга қаратилган бундай ёндашув ўйинчоқ танлашга бўлган талабни янада оширади.

Минг афсуски, фарзандларни учун ўйинчоқ танлашда кўпгина ота-оналар етарли педагогик-психологик билимга эга эмас. Менталитетимизга зид бўлган, болаларни жангари, бешафқат, қасри қаттиқ қилиб тарбиялашга ундайдиган ўйинчоқларнинг савдо дўконларида қўплиги кишини ранжитади. Техника тараққиёти туйғайли фарзандларимиз учун ишланаётган кино, мультфильмлар сони ҳам кўпаймоқда. Бу

фильмлар асосан, жангари руҳда бўлиб, қаҳрамонларнинг юз фодалари ҳам бизга умуман ёт. «Том ва Жерри», «Чип ва Дейл», «Шрек» мультфильмларини бир ёдга олайлик. Кичкинтойлар бу мультфильмларни жон-диллари билан томоша қилишмоқда. Ота-оналар фарзандларига қувонч улашмаётган хурсанд. Лекин улар бу ҳолатнинг эртанги кундаги натижаси қандай бўлишини ўйлаб қуришармикан? Бу фильмлар фарзандларимиз онига уруш қокликин, шафқатсизлигини, ёвузликка қарши ёвузлик билан жавоб қайтариш лозимлигини сингдирмоқда-ку!

Хаммаиз севиб томоша қилдиган «Кичкина табиб» фильмида бир лавҳа бор: кичкина табиб До-ниёр Нигорани даволаш учун уларнинг уйда қолади. Унга «Том ва Жерри» мультфильмини ви-деога кўйиб беришади. Сўнгра боладан «Мультрига нисбатан муносабатларини акс эттирадилар.



лаб берувчи «маскан» мактабда ташкил этилган адабиёт, тасвирий санъат ва фото каби йўналишларда тўғарақлар ҳисобланади. Шундай экан, деворий газета ана шу тўғарақлар фаолиятининг маълум маънодаги кўзгуси ҳамдир. Умуммактаб газеталарининг тахрир хайъатида барча синфларнинг вакиллари бўлгани яхши. Бу вакиллар ўз навбатида синфларида чиқадаган деворий газеталарнинг тахрир хайъати аъзолари қилиб тайинлиниши мумкин...

Албатта, мавзу доирасида ҳали узоқ мулоҳаза юритиш мумкин. Биз суҳбат жараёнида умумий тушунчалар беришга улғурдик холос. Қолгани эса ижодкорлик, ушқоқлик, масъулият ва уквга боғлиқ.

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

рию мазмун-моҳиятини ўқувчиларга етказиш жуда мўҳим саналади. Улар ёш авлоднинг миллий руҳда камол топишига, ўзбекона гурурини, миллий онг ва дунёқарашни, эстетик завқни туюшига кўмаклашадди. Чунки халқ кўшиқлари нафақат нафис туйғулар тараннуми, балки ижтимоий воқеликнинг ҳолисона баёни, ҳақ зақосининг ифодачиси сифати бунда эмас. Айтишув қўшиқлари ёшларнинг ақл-заковатда, топқирликда, сўзамоллик ва ҳозиржавобликда бир-бирларини синаш йўлидир.

Бугунги кунда таълим тизимида ҳам халқ оғзаки ижоди-ни, хусусан, халқ кўшиқларини, уларнинг айтилиш йўналишла-

## 2009 — 2010-о'quv yili — «Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligi o'quv yili»

яхши сақлашга жиддий эътибор бериш талаб этилади.

— Мактаб деворий газеталарини мақсад-муддаси, мавзу доираси каби жиҳатлар нуктаи назаридан турларга ажраттиш мумкинми?

— Ҳа, албатта. Мактаб деворий газеталарини шартли равишда «Умуммактаб деворий газетаси», «Танқидий деворий газета», «Ўқув предметлари ва тўғарақлар газеталари», «Синф деворий газетаси», «Фото газета» каби турларга ажраттиш мумкин. Лекин ижодий ёндашув ҳеч қачон ажараланмайди.

Уларнинг айримларига қисқача

## Нафис туйғулар ва халқ зақоси ифодаси

севиб қуйланган халқ кўшиқлари шакл ва мазмунан ўз тароватини йўқотмай, бугунги кунда ҳам эл оғзиде. Яқинда аслрий удум ва аъналариимизни ўзида жо айлаган Наврўз айёмида бунга яна бир бор амин бўлдим. Бундай байрамларда, айниқса, ўғил-қизларнинг бир-биридан шўх лапар, қўшиқ айтишувлари даврага ўзгача шукўҳ бағишлайди.

Айтишувлар қайсидир томон жавоб қайтаролмай, энгилгунча давом этади. Мунозараларда тарофларнинг бир-бирларини маъв этиш мангитига риоя қилишлари, қарашларни

позтик далиллаш санъатига тўғри ёндашишлари мўҳим. Баззан мағлубни томошабинларнинг қарсақлари ҳам аниқ-рай удум ва аъналариимизни ўзида жо айлаган Наврўз айёмида бунга яна бир бор амин бўлдим. Бундай байрамларда, айниқса, ўғил-қизларнинг бир-биридан шўх лапар, қўшиқ айтишувлари даврага ўзгача шукўҳ бағишлайди.

**Qadriyat**

Эътибор берганмисиз, хушайфият билан айтилган ҳар бир ўзбекча сўз ўзига хос ритм ва гўзал оҳангдорликка эврилади. Бу халқни ижодкорликка ундайди. Шу боис халқ кўшиқларию лапарлари бундан минг йиллар олдин яратилган ва ҳозир ҳам яшаб келмоқда. Улар маълум бир қонун-қоидага эга бўлмай, тилдан тилга ўтиб, юракларга жо бўлади ва халқнинг маънавий мулкига айланиб бораверади.

Халқ кўшиқлари, лапарлар, айтишувлар халқ оғзаки ижодининг (фольклорининг) лирик жанри ҳисобланади, ҳаётимизда содир бўлган воқеа-ҳодиса, ҳолатни ўзида тезкор акс эттириб, халққа етказишда воси-



дим. Лекин бугун би-ир ўтириб кетгим келди. Микроавтобусда ҳайдовчи ёнимдаги жойнинг тепасида катта ҳар-

**Йиқилсанг, суяб тургучи ёлғиз қолсанг, кўнгил олувчи, шодликда бирга кулиб, гамингда шерик бўлгучинг борлиги қандай яхши. Бундайлар улкан қалб, меҳридарё кишилардир.**

\*\*\*

— Тақдир деб аталмиш ҳаёт даргаларида тобланган киши кези келиб уч карра бахтга эришаркан, — дейди Шухрат. — Фақат инсон ўзига бир нарсани — сабр-тоқатни сингдирса, келадиган ҳар қандай ташвиш уни енга олмайди. Буни менга меҳрибон онам — меҳрибонлик уйи тарбиячиси айтганди. Юрагимда мени ташлаб кетганлари учун уларга (ота-онасига) газабим банд эди. Ҳаёт оstonасида ўз ўрнини топишга тиргак бўлган, бу кўнгил хижиллигини тумандек тарқатиб, панду насиҳат берган тарбиячи опаларим сабаб қалбимда эзгулик туйғулари куртак эзди.

Тошкентдаги Хлебушкина номидаги Меҳрибонлик уйига Шухратни 5 ёшида олиб келишганди. Тақдир унга бу гал яхши одамларни рўбарў қилиб сийлади. Бу ерда унга дўстлари, яқинларига нисбатан меҳрибон бўлиш, нима бўлган тақдирда ҳам инсон ҳамisha эзгулик билан яшаши кераклиги ҳақидаги таълим-тарбияни ўргатишди. У энди дунё фақат ёмонликдан иборат эмаслиги, яхши одамлар ҳам борлигига амин бўлди.

\*\*\*

Бугун меҳрибонлик уйида тўй. Собиқ тарбияланувчи Шухрат Ризаев янги, бир пайтлар орзу қилганидек бахтли оила қуряпти.

— Шухрат Болалар уйидан катта ҳаётга қадам ташлаганидан сўнг ҳам бу ерга тез-тез келиб хабар олиб туради, — дейди Меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари Хурсаной Холова. — У билан она-боладек бўлиб қолганимиз учун ҳамма сирларини айтади. Шундай кунларнинг бирида ёнимга келиб ниманидир айтишга оғиз жуфтладию, лекин ичидагини тилига чиқара олмади. Унинг қизарган икки юзини кўриб оналик кўнглим сезди. Муҳаббат кўчасига кириб қолганини ҳис қилдим. Қизнинг қарда туришини сўраганимдан кейингина ёрилди. Қиз у билан трикотаж ишлаб чиқариш корхонасида ишларкан. Уй манзилни билгач, аввал қизни маҳалласидан суриштирдик. Ота-онасининг таълим-тарбиясини олиб эс-хуши, ақл-фаросатлиги билан кўпчиликнинг оғзида экан. Келинликка сўрайдиганлар ҳам кўп топилди. Бўлажак қудалар билан сўрашиб, ичкарига кирганимизда бизни

# ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА,

## ЮКИНГ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

бир савол ўйлантирди: «Қаердансиз, деб сўрашса нима қиламиз?». Ҳамма гапни айтгач, бўлажак қудаларимизнинг кўнглига қўл солиб кўрдик. Биласиз, одатда кўпчилик оталар бундай вазиятда рози бўлишмайди-да. Хайрият, тушунадиган одамлар экан!

Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она, деган нақл бор халқимизда. Оила аталмиш кўрғон оstonасига одимлаб бораётган йигит бугун ёлғиз эмас. Унинг ортида меҳрибонлик уйи жамоаси, дўстлари, яқинлари бор. Қолаверса, Ватани бор. Бир ўксик қалбни обод айлаган Малика-хоннинг отасидек кишиларнинг борлиги эса эзгуликнинг боқийлигини исботлайди гўё.

...Кўёвлик сарпосини кийиб олган Шухрат Меҳрибонлик уйи оstonасидан одимлар экан, меҳрибонларининг дуосини олди.

— Болам, оила муқаддас даргоҳ, унинг пойдевори фақат меҳр-муҳаббат, одамийлик, вафо ва садоқатдан қурилсагина, ҳар қандай тўфон зарар етказа олмайди, — дейди Хурсаной опа.

Шу пайт эътиборимизни йигитнинг синглиси Шахлохон тортди. Севинч ёшларини яшира олмай акасига бахт тилаётган қиз, кечагина синглисини ҳам худди шундай кайфиятда кузатган ака нигоҳлари бир зум тўқнашди.

— Акажон, бахтли бўлинг! — сингил кўнглидаги энг олий тилагини тилади.

— Сен ҳам бахтли бўл! — дея ака ҳам сингилни бағрига босди.

Негадир кичик укалари бу тўйда кўринмайди... Шухрат шу топда бир томондан ота-онасининг йўқлигини ҳис қилиб ачингандай бўлса, бир томондан ҳам ота, ҳам она бўлиб улғайтирган тарбиячилари, ҳаётнинг аччиғини ҳам, чучугини ҳам бирга баҳам кўрган дўстлари, қоровулдан тортиб шифокорларгача кадрдон бўлиб қолган

яқинлари, қолаверса, ана шундай шароитни яратиб берган, ҳур ва озод Ватани бағридалиги унга далда бўлди.

Халқимизнинг ҳикматга бой одатлари бор-да. Кўёв навкарлар келинчакнинг уйи томон йўл олишди.

Кўёв навкарлар қайтиб келгунча меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари билан суҳбатлашмоқчи бўлдик.

— Шухрат акам бизга доимо ибрат, — дейди 12 ёшлар чамасидаги ўзини Хусан Муродов дея таништирган бола.

Дарвоқе, Хусан Муродов ёш бўлишига қарамай туман, вилоят, республикада ўтказилган кўрик-танловларда фахрли ўринларни қўлга киритган экан.

Айниқса, унинг яқиндагина ўтказилган «Камалак—2010. Миллий анъаналар ва замонавийлик» фестивалининг ҳайкалтарошлик йўналишида олтин медални қўлга киритиши Шухрат акасининг тўйига тўёна бўлди.

— Энг катта орзуим ойимнинг сиймосини яратиш, — дейди у биз билан суҳбатлашаётиб.

— Мен Меҳрибонлик уйимизда очилган «Футбол», «Бисер», «Дуторчилик», «Ганчкорлик», «Ҳайкалтарошлик», «Кўшиқчилик» тўғарақларига қатнашман, — дейди ўзини таништириб Азиз Тангиров. (У ҳам фестивалда кумуш медалини олди).

— Кўшиқ ҳам айтасизми?

— Ҳа...

— Қани эштайлик-чи.

— ...

— Айт ўртоқ, — дейди ҳоли-жонига қўймай ўртоғи Хусан.

— **Соғинчнинг кўксига бошини қўйиб,**

**Музлаган бағримда қисмат сўзлайди.**

**Омадсиз боланинг дардидан тўйиб, Бардоши етмасдан олам бўзлайди.**

Ширалигина овози бор экан. Унинг кўшиғини тинглаб бўғзимга нимадир тикилгандай, кўз олдим қоронғулашиб, юрагим увишгандай бўлди. Қанийди, бу кўшиқни боласини ташлаб кетган бағритош ота-оналар ҳам эшитсаю, улар ҳам мен туйган туйғуни ҳис қилишса...

Аввалига, бу ерда болаларнинг юзида мунг бўлса керак, деган ҳаёлга боргандим. Болалар билан суҳбатдан кейин улардаги тетикликни кўриб кўнглим кўтарилди.

— Бу ерда яратилган шароитларни кўриб, очиги, лол қолдим, — дейди 63 ёшли онахон. — Бу халқимизнинг болажон эл эканлигидан далолат беради. Юртбошимизга кўпдан-кўп раҳмат. Сабаби, ҳукуматимиз ана шундай бекаму кўст шароит яратиб берган. Бу эса ёш авлодларнинг ҳам маънан, ҳам руҳан баркамол бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлади.

Ҳа, у кишининг Меҳрибонлик уйидан 10 нафар болани қарамоғига олгани, ҳар бирига бош-оёқ сарпо улашишини кузатиб, орамизда Фазилат опадек саховаттўй инсонларнинг борлиги ҳам кўнглимизни кўтарди.

\*\*\*

**Тўй тўйга уланиб, мисоли оққушга айланган келин, оила устун куёв саҳнага кириб келишди.**

**Кўзида севинч ёшлари қалқиб турган Хурсаной опа қувончини яшира олмай келин-куёв ортидан келган қудалар, меҳмонларни «Хуш келдингиз!» дея қўли кўксига кутиб олади-да: «Илоҳим болаларим бахтли бўлишсин!», дея пичирлаб қўяди.**

**— Дўстим Шухрат билан Меҳрибонлик уйида бирга катта бўлдик. Ҳозир ҳам узилиб кетганимиз йўқ, — дейди унинг яқин дўсти. — Корхонада ҳам бирга ишлаймиз. У меҳрибонлиги, ҳалол инсонлиги билан кўпчиликнинг эътиборига тушган.**

**...Дастурхонга нозу неъматлар тортилди.**

**— Тўйни кўтаринки кайфиятда ўтказишда Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Чилонзор тумани ҳокимликлари бош бўлишди, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Гуландом Субҳонова. — Шунингдек, «1-Чарх Камолон», «2-Чарх Камолон» маҳаллаларининг фаолларидан ҳам миннатдоримиз...**

Хулқар ФАРМОН қизи

# ЎҚУВЧИ БАНДСИГИ

## ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ

**Ta'kid**

ректори айтганидек, фидойи ўқитувчилар кўп. Шу боис ҳам, нафақат дарс машғулоти керак бўлса, синфдан ташқари машғулотларнинг ташкил

этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

— Мактабимизда волейбол, баскетбол, футбол ва енгил атлетика каби спорт тўғарақ-

ларидан ташқари 14та фан тўғараги ҳам йўлга қўйилган, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Амир Эшғўлатов. — Барча тўғарақлар тасдиқланган иш режаси ва аниқ жадвал асосида иш юритади. Машғулотлар фаолиятини мактаб раҳбарияти назорат қилиб боради.

«Ҳайкалтарошлик ва наққошлик» тўғарағига тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари муаллимаси Гулбахор Азимова раҳбарлик қилади. Лойдан ясалган, юқори иссиқликда пиширилиб, чиройли ишлов ва ранг берилган турлитуман ҳайкалчалар, кўзадаги асални паққос тушираётган айққолвон, бола кўтарган

аёл, кўзада сув олиб кетаётган келинчак сингари ижодкорлик ва муҳаббат билан йўғрилган нафис ишлар — ўқувчилар меҳнати самараси.

Қарангки, биз мактабда бўлган кун «Ёш адабиётчи» тўғарагининг навбатдаги машғулоти бўлиши керак экан. Тил ва адабиёт фани муаллимаси, шоира, «Ёш адабиётчи» тўғараги раҳбари Гўзалхон Фойибованинг ишлари билан танишдик.

— Тўғарақда 10 нафар ижодкор бола қатнашади, — дейди мурабий. — Уларнинг ҳаммасида ҳам қизиқиш бор. Айниқса, Маҳлиё Иброҳимова, Нилуфар Қаюмова, Дилноза Қўчарова, Миркомил Жамолов сингари ўқувчиларимдан умид катта. Яқин кунларда уларнинг сара шеърларини жамлаб, китобча чоп эттириш ниятидамиз.

Рости, Китоб туманининг 70-мактаби ўзига хос илғор тажрибага эга. Фикримизча, улардан кўп нарсаларни ўрганиш мумкин.

**Абдували ОБИДДИНОВ,**  
**«Ma'rifat» муҳбири**



Ўқувчиларнинг дарс жараёнида ўзлаштирган билимларини мустақамлаш, янада мукамаллаштириш, уларни мустақил изланишга йўналтиришда ҳеч бир машғулоти тўғарақ машғулотларининг ўрнини боса олмайди. Тўғарақ машғулоти ўз навбатида ўқитувчидан изланувчанлик, ташаббускорлик, бир сўз билан айтганда, чинакам фидойиликни талаб қилади.

— Ўз касбини севган, фидойи ўқитувчи фақат дарс ўтиш билан чекланиб қолмайди, — дейди Китоб тумани Балқон-Қайчили қишлоғида жойлашган 70-мактаб директори Авазхон Тўраев. — У, албатта, ўз фанидан тўғарақ ташкил этади, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни йўлга қўяди. Бу борада билмаганини атрофдагилардан сўраб ўрганиши мумкин. Фидойи ўқитувчи мактаб раҳбарларидан «Бу ишни бажармабсан!», «Бу иш чала қолибди!» деган гапларни умуман эшитмайди. Бу — унинг кўп йиллик раҳбарлик иш тажрибаси исботланган ҳақиқат.

Илм масканида, мактаб ди-



# ЯНГИЛИКЛАР ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Халқ таълими вазирлиги буйруғи билан республика Таълим маркази қошида ихтисослаштирилган таълим муассасалари директорлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида мувофиқлаштирувчи директорлар кенгаши ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо бевосита кенгаш фаолияти асосида халқ таълими тизимидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари фаолиятининг мувофиқлашув жараёни самарали ташкил этилмоқда.

Кенгашнинг Бухоро вилояти бўйича аъзоси, Гиждувон туманидаги 8-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати директори Бафо Ҳазратқуллов муҳбиримиз билан бўлган суҳбатда кенгаш томонидан берилётган услубий ёрдамлар ҳамда таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишдаги ўзига хос ёндашувлар хусусида фикр юритди.

— Кенгашда республика Таълим марказининг етук мутахассислари ҳамда вилоятлардан тажрибали директорлар иштирок этишади. Шунингдек, ана шу директорлар вилоятлардаги мувофиқлаштирувчи кенгашлар раислари ҳисобланади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисос-

лаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда шу қарорга ило ва қилинган Низом ва таълим бошқарув органлари томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилишини таъминлашга ҳизмат қилади.

Шунингдек, илғор тажрибаларни оммалаштиради, тавсиялар, тақрифлар беради. Чуқурлаштирилган фанлар бўйича таълим муассасаларини ўқув ва методик қўлланма-

лар билан таъминлаш борасида кўшимча чора-тадбирларни амалга оширади. Чунки иқтидорли болаларга таълим-тарбия берувчи ўқитувчилар қўлида мукамал ўқув ва методик қўлланмалар етарли бўлса, кўзланган мақсадга, муваффақиятларга эришиш осон кечади.

## Jarayon



Маълумки, педагог кадрларни ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасига ишга қабул қилишда ўқитувчининг олий ёки биринчи малака тоифасига эга бўлишига алоҳида аҳамият қаратилади. Шундан сўнг улар танлов асосида ишга қабул қилиниши низомда белгиланган. Бу бежиз эмас, албатта. Замоновий билим, чуқурлаштирилган таълим бериш учун ўқитувчининг чуқур билимга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Боланинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш учун фақатгина ўз фанини чуқур билишигина етарли эмас, энг аввал унинг қалбига йўл топа олиш керак.

Айрим жойларда ота-оналарнинг фарзанди таълими учун бадал тўлаши билан боғлиқ муаммолар ҳам учраб туради. Бу муаммони ҳал этиш учун эса, ўқувчининг чуқур билим олиши, дам олиши, жисмонан соғлом униб-ўсиши учун етарли шарт-шароит яратиш, ўқув жараёнини бола шахсига чуқур ҳурмат асосида ташкил этиш, ота-оналар, ўқувчилар меҳри ва ишончини қозониш, кадрлар салоҳиятига эътибор қилиш керак, албатта.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши таълим муассасаларида ташкил этилган «Интеллектуал клублар» фаолиятини янада ривожлантириш омили бўлди. Маълумки, бугунги кунда фаолият олиб бораётган ихтисослаштирилган таълим муассасаларида мактаб ўқувчи-ёшлари ўртасида илмий изланувчан, иқтидорли, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш мақсадида ташкил этилган «Кичик академия»лар фаолият олиб бормоқда. Улар фан-техника соҳасида бўлгу-

си тадқиқотчиларни тайёрлашга замин яратиш мақсадида ўқувчи-ёшларни манбалар, кўшимча адабиётлар билан ишлаш, режалар тузиш, тадқиқот олиб бориш ва фикрини эркин баён этишга ўргатмоқда. Фикримча, мазкур мувофиқлаштирувчи кенгаш «Кичик академия»лар фаолиятини жонлантириши, бошланган ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида «Кичик академия» аъзолари ўртасида ижодий танловлар, конференциялар ташкил этиб бориши мақсадга мувофиқ. Бу анжуманларда ёш тадқиқотчилар ўз илмий изланишларини ҳамоя қиладилар. Муносиб топилганларининг илмий изланишлари кенг тарғиб этилади, мақола, маърузалари нашр қилинади. Ажаб эмас, мактаб партасида ўтирган ўқувчи-ёшларимиз орасидан ҳам кашфиётчилар, ёш олимлар, 25—30 ёшли академиклар етишиб чиқса. Ахир уларнинг томирларида буюк бобоконларимизнинг қони оқаяпти-ку?!

Сора ТОШЕВА,  
«Ma'rifat» мухбири

Ўз касбимни севаман. Ўн бир йиллик педагогик тажрибага эгаман. Мамлакатимизда ёш авлод камолотига катта эътибор қаратилаётган бир пайтда биз педагогларнинг ҳам зиммамизга юксак масъулият юкланаётир. Шу боис мен ҳам дарс ўтишининг янги педагогик технологияларидан фойдаланишга, ишга ижодий ёндашишга ҳаракат қилаяпман.

Ноанъанавий дарс ўтиш услублари ўқувчининг дарсга бўлган қизиқишини ошириши билан бирга, ўзлаштириш ва самарадорликни ҳам юксалтирмоқда. Машғулотларимни «Иқтисодий мустақиллик — таянч мезоним» шiori ва дастури асосида ташкил этганман.

## Faxr

маҳсулотлардан самарали фойдаланишни, маҳсулот ишлаб чиқаришни, уни реклама қилиш ва сотишни, бозор ва буюртмани, энг муҳими, соғлом рақобатни ўрганади.

Шунингдек, машғулотлар ва тўғаракларда бўшлиқларни тўлдиршига, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан яқка тартибда ишлашга алоҳида эътибор қаратаман. Ўқувчининг билими қаерда саёз бўлиб қолди? Фалончи ўқувчи нега бўш ўзлаштири бoшлади, деган саволларга ўз-ўзимдан, дарсларимдан, ўқувчиларимдан, уларнинг оилавий муҳитидан жавоб излайман. Сабабларини аниқлаб, керакли чораларни кўраман.

# ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШГА ҚИЗИҚУВЧИЛАР ФАН ОЙЛИГИДА ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим мактабларида фан ойлиқларини ўтказиш тўғрисидаги буйруғига мувофиқ, май — хорижий (инглиз, француз, немис) тиллар ойлиги деб эълон қилинди. Фан ойлигини ўтказиш жараёнида фан ўқитувчилари ўз билимларини ошириш мақсадида тинимсиз ижодий изланишлар олиб боришлари, илғор педагогик технологиялар асосида дарс ўтишлари, ахборот технологияларидан дарс жараёнида фойдаланишлари, қизиқарли тўғараклар ташкил этишлари керак.

**Хорижий (инглиз, француз, немис) тиллар бўйича фан ойлигини ўтказишнинг мақсад ва вазифалари куйидагилардан иборат:**

- ўқувчиларнинг хорижий (инглиз, француз, немис) тилларга бўлган қизиқишларини орттириш;

- таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар маҳоратини намоён қилиш;

- синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирларнинг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамиятини кўрсата билиш;

- хорижий (инглиз, француз, немис) тил ўқитувчиларининг илғор тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш.

Мактабдаги методбирлашма ўз йиллик иш режасида хорижий тиллар ойлиги учун тадбирларни белгилаб олган бўлиши лозим. Ойлик режа кунлик ва ҳафталик режалар асосида тузилиб, методик кенгашда муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

**Фан ойлигини ташкил этиш учун** методбирлашма йиғилишида хорижий тил ўқитувчилари режаси тасдиқланади ва ойликни ўтказиш режаси мактабнинг эълонлар бурчагига олиб қўйилади. Ўқувчилардан ойлик бошланиши ва тугаши арафасида синов тестлари олинади.

**Фан ойлигида** «Тил билган — эл билар», «Тили ўрганилаётган мамлакатга саёҳат» мавзуларида деворий газеталар танловини, ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишлари, мавзуй расмлар кўргазмасини ташкил этиш, «Хорижий тиллар билагани» мусобақаларини ташкиллаштириш, тилшунос олимлар, таржимон ёзувчилар, дарслик муаллифлари билан учрашувлар уюштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалари, дидактик материаллар кўргазмасини ташкил этиш, хорижий тилларга ихтисослашган мактабларга, лицей ва маданият марказларига саёҳатлар ташкил этиш, ўқитувчиларнинг илғор педагогик тажри-

баларини оммалаштириш, семинар-тренинглар ўтказиш, ёшларнинг фанга бўлган қизиқишларини ошириш учун таълим жараёнига информацион-коммуникатив технологияларни жорий этиш мақсадида очик дарслар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

**Танловлар ўтказиш ва баҳолаш мезонлари:**

«Ёш саёҳатчилар гиди» танлови.

Ушбу танловда ўқувчилар мамлакатимизга ташриф буюрган чет эллик меҳмонларнинг тарихий обидаларимизга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида ҳар томонлама қизиқарли чиқишлар тайёрлашлари керак. Ушбу танловда ўқувчиларнинг Ўзбекистондаги шаҳарларнинг тарихий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини хорижий тилда қай даражада намоён қила билиши мақсад қилиб олинади.

Ўқувчиларнинг чиқишларини баҳолашда мавзу лезумига, ўқувчининг лексик бойлиги, сўзларни тўғри талаффуз қилиши ҳисобга олинади. Ҳар бир иштирокчининг чиқиши учун 5 дақиқа вақт ажратилади ва максимал 10 балл билан баҳоланади.

**«Ёш нотик» мусобақасида қатнашиш учун тахминий мавзулар:**

«Тил — ҳаёт кўзгусидир», «Компьютер ва реал мулоқот», «Тил билган эл билар», «Жаҳонни сўз бошқаради».

Ўтказилган очик дарслар жадвали мактабнинг эълонлар бурчагига акс этиши лозим. Ўқитувчилар янги педагогик технологиялардан илғор педагогик тажрибаларни татбиқ этган ҳолда очик дарслар ўтади. Энг яхши дарс ишланмалари тўплами тайёрланади.

Фан ойлиги якунига бағишланган тадбирда мактаб (туман, вилоят) раҳбариятининг, ўқитувчилар жамоасининг меҳнатлари сарҳисоби, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасида амалга оширган ишлари эътироф этилади. Фаол қатнашган фан ўқитувчилари ва ўқувчилар тақдирланади.

Уюштирилган тадбирларнинг моҳиятини ошириш учун маҳалла фаолларини, фан ва таълимга ўз ҳиссасини қўшган маҳаллий кадрларни тақриф қилиш мумкин.

Фан ойлиги якуни методик кенгаш ва педагогик кенгашларда муҳокама қилиниши зарур. Якуний натижалар ҳақида туман, вилоят таълим марказларига (3 кун муддатда), вилоят таълим марказлари Республика таълим марказига (1 ҳафта муддатда) ҳисобот топширадилар.

**Ф.ҚОДИРОВ,**  
Республика таълим маркази хорижий тиллар бўлими методисти

# ТАНЛОВ ТАЖРИБА МАКТАБИ БЎЛДИ

Мана шу шior асосида «Тўғридан-тўғри ўқитиш услуби», «Ақлий ҳужум», «Аукцион ўйини», «Бошқотирма», «Заковат», «Ўйла, изла, топ» сингари ўйинлар асосида ташкил этилган машғулотларни қизиқарли қилиб ўтказиш борасида доимий изланишдаман. Машғулотларда ўқувчиларим фаол.

Иқтисодий билим асослари фани — ҳаёт билан жуда яқин. Шу боис ҳар бир машғулотни турмуш воқеалари билан боғлашга уринаман. Жумладан, чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш борасида ўқувчилар билан кенг миқёсдаги машғулотларни ўтадим. Рўзгорда ярқисиз ҳолатга келган, чиқиндига ташлаш мумкин бўлган нарсалардан яна оқилона фойдаланиш мумкинлиги ўқитирилади. Машғулотларда ўқувчиларим консерва бангалари, гугурт қутилари, картон қоғоз ва бошқа маҳсулотлардан бир-бирини такрорламаган, ранг-баранг маҳсулотлар, уй-рўзгор буюмлари, ўйинчоқлар, безак ва нақшлар ясайдилар. Бу маҳсулотларни бозорга олиб чиқиб, фойда кўриш мумкинлигини улар яхши англайдилар. Ўқувчилар дарсда ўз маҳсулотларини турли йўللار билан реклама қиладилар. Рекламаларда бу буюм ниманга керак, ундан қандай фойдаланилади ва у нималардан ясалгани хусусида маълумот берилади. Шундан сўнг маҳсулотга харидор пайдо бўлади. У бошқа маҳсулотга айирбошланиши ҳам мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқарувчи ясаган ўз маҳсулотига буюртма ҳам қабул қилади.

Ўқувчилар машғулотда чекланган

Устоз учун энг тотли, фараҳбахш пайт — бу ўқувчи камолотини кўриш экан. Менинг ҳам озми-кўпми меҳнатларим аста-секин ўз самарасини бераётир. 2006 йилдан буён ўқувчиларим — А.Завқиев, И.Сабдуллаев, Т.Қулматов фан олимпиадаларининг вилоят босқичида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Ўнлаб шогирдларим иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётир.

Яқинда билимимни, тажрибамни, малакамни синовдан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида иштирок этиб, якуний республика босқичида фахрли учинчи ўринни эгалладим.

Тўғриси айтиш керак, мазкур танлов менга кўп нарсалар берди. Аввало, ўзимнинг заиф томонларимни билиб олдим. Бухоро, Қашқадарё, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан танловга ташриф буюрган малакали ҳамкасбларим билан тажриба алмашдим. Келажакда мана шу ўрганган тажриба ва дарс ўтиш услубларидан ижодий фойдаланган ҳолда янгиликлар яратишга, уни дарсларимда қўллашга ҳаракат қиламан. Янги-янги ютуқларга эришиб, келажакда ушбу танловда биринчи ўринни қўлга киритаман, деган умиддаман.

**Шаҳноза БЕРДИЕВА,**  
Каттақўрғон туманидаги 7-умумтаълим мактабининг «Иқтисодий билим асослари» фани ўқитувчиси



Жадал ривожланаётган интернет тармоги сўнги йилларда глобаллашувнинг кибердунёсига имкониятлар эшигини кенг очмоқда. Оддий мисол: айнан интернет орқали ўз хонадонимиздан туриб Австралия ёки Маршалл оролидаги одам билан бемалол танишишимиз, ҳатто суҳбатлашишимиз мумкин. Шу йўл билан интернет ўзга маданият ва маънавий ғоялар билан бизни таништириб бораёпти. Маълумки, инсон табиатан тақлид қилишга мойил. Ўз-ўзидан айна жиҳат ижобий томонлар қатори салбий жиҳатларнинг ҳам юзага келишига сабаб бўлмоқда. Яъни кўпга ёт фикр ва ғоялар миллий маданиятга ўз таъсирини ўтказмай қолмаслигини унутмаслик даркор.

Муаммо фақат бунда эмас. Хавотирли томони шундаки, инсонлар реал ҳаётдан чекиниб, киберфазода «йўқолиб» кетиш хавфи олдида. Ўн йил олдин Он-лайн бозорлар биз учун мўъжизадек гап эди. Бугунга келиб интернет орқали ахборотдан тортиб моддий нарсаларгача харид қилиш имконияти яратилди. Мана, ҳозир юртимизнинг ўзида **torg.uz**, **bor.uz** ёки **korzinka.uz** каби бир қатор интернет тармоқлари ўз хизматларини таклиф

**password (пароль)** ва **fisher (балиқчи)** сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлган, интернет орқали яширинча маълумот ва маблағларни олувчи инсонларга берилган номдир.


«Интернет вабоси» дея номланган бу таҳдид Америкада 2003 йили авжига чиққан бўлса, 2007 йили Россияда ҳам мазкур ҳолат кузатилади. Ачинарлиси, ушбу жараён ҳозирга келиб тора кучайиб ва кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2007 йили **Яндекс.деньги**

эгаси номига путур етказишнинг энг осон йўллари биридир. Хайжэкинг орқали компаниянинг барча мижозларига ёлғон ахборот тарқатиш ёки бутун бизнесни «ўлдириш» мумкин. Бунда айнан домен эгаси ўзининг бефарқлик билан вақтида пул тўламагани, ҳужжатларни тўғри тўлдирмагани туфайли хайжэкерларга ўз доменларини топшириб қўяди. Доменнинг эгасиз киберфазода қолиб кетиши эса бу тоифаларга айна мударо. Сабаби, шунда улар эгасиз қолган уйдек доменга бемалол кириб, унинг номига қора доғ тушириши мумкин. Пули тўланмай қолиб кетган доменлар ичида машхурлар ҳам учраб туради. Масалан, «Washington Post» ([washpost.com](http://washpost.com)) газетаси ҳам вақтида домен учун 19 АҚШ доллари миқдоридеги йиллик рўйхатдан ўтиш солигини тўламагани сабабли газета саҳифасидан маҳрум бўлай деган, деб ёзади «CNET Networks» манбаси.

## Bilasizmi?

Интернетда турли манфаатларни кўзлаб ҳам мана шундай ишлар амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ахборот агентликлари инновацион таҳдидлар бўлмаслиги учун ҳам биринчи галда ўз давлатининг манфаатини кўзлаган ҳолда янгиликларни вақтида ўз сайтларида кўрсатиши ва бошқа веб-саҳифалардаги янгиликларни ўрганиб бориши зарурдир.

Тўғри, интернет глобаллашуви жа-



# КИБЕРМАЖОН

## «ФИРИБГАР»ЛАРИ

қила бошлади. Улардан хоҳлаганингизча фойдаланишингиз мумкин. Тугмачани босиб, уйдан чиқмасдан истаганингизни харид қилиш имконига эгасиз. Албатта, бу ижобий ҳолат. Аммо шуни ҳам унутмангки, шу тариқа рақамли тармоқ орқали сиз ҳақингиздаги барча маълумот бошқаларга ҳам аён бўлади. Бу агарда керакли эҳтиёт чораларини кўрмасангиз, айрим гараз ниётли кишилар кўлида ўйинчоққа айланиб қолишингиз ҳеч гап эмас дегани ҳамдир. Бунга эса моддий манфаат ёки маънавий таҳдид сабаб бўлиши мумкин.

Янгиликларда кўп бора у ёки бу банк, йирик марказлар тармоғига хакерлар томонидан уштирилган таҳдидларни кўп эшитамиз ва негадир бундай хабарларни гўёки ўзимизга дахлдор эмасдек қабул қиламиз. Лекин унутманг: агар интернет орқали ўзингиз ҳақингиздаги ахборотни тарқатмаслик сизнингча оддий эслатма бўлса, фарбадагилар учун бу аччиқ ҳақиқат. Фикримизнинг далили сифатида фишерлар номини олган фирибгарлар ҳақида сўз юритишни лозим топдик. Боиси, уларнинг сизга дўқ қилиб, ҳамёнингизни тортиб олишига ҳолат йўқ. Қизиғи, аксинча, сиз беихтиёр ўз маблағингизни уларнинг қўлига топширганингизни билмай ҳам қоласиз.

**Фишер (Phisher)** инглизча

электрон саҳифаси ташкил этилганига атиги 5 йил бўлганида у фишерлар нишонига айланди. Бутун Россия блогосфераси ([blogspot.com](http://blogspot.com), [game-host.ru](http://game-host.ru), [live-journal.com](http://live-journal.com))да шовшув бўлган бу воқеа шундай рўй берган эди. **Yandex.ru** сайтидаги почта эгаларига электрон саҳифанинг сохта расмий назоратчиси (администратор) томонидан номалар юборилган. Улар кўйидагича мазмунда бўлган: «Хурматли мижоз, **Яндекс-Деньги** тизимидан номингиз ўчириб ташланди, уни тиклаш учун ушбу <http://passport.yandex.ru/passport/mode=loginform&msg=money> йўлланмасини босинг». Хўш, илғадингизми? Бошида ҳайрон бўлган мижоз ҳам DNS адреси нотўғри эканини тезда англамай, буйруқни бажарган. Аслида **yandex.ru** домени номи кўз илғамас қилиб **yanclex.ru** тарзида ёзилган, бунда лотин **c** ва **l** ҳарфлари биргаликда **d** га ўхшаб кўриниши мижозни алдашда кўл келди.

Бундан ташқари, домен номларининг ўғирланиши — Ди-Эн-Эс хайжэкинг (**DNS hijacking**) ва доменга ҳужумлар — Ди-Эн-Эс эттек (**DNS attack**) содир бўлмоқда. Ди-Эн-Эс хайжэкинг пул ундириш ёки домен

Электрон почта орқали келган ҳар хил хатларни ўқиб, баъзида инсон нималарга қодир эканидан куламузу, лекин буларга ишониб қолганларнинг аҳволини кўриб, ачинасан ҳам киши.


Бир куни дугонам билан келган хатларни ўқиётимиз, уларнинг бири диққатимизни тортди. Менинг номимга инглиз тилида африқалик бизнесмен томонидан ёзилган бу хатда мамлакатимиз футболга қизиқиши уйғонгани сабабли, шу ерга келиб иш юритиш истаги борлигини билдирган. Ниятини амалга ошириш учун эса Ўзбекистонда банк ҳисоб рақами бўлиши кераклиги ва агарда мен ўз ҳисоб рақамимни кўрсатсам, унга 20 миллион доллар атрофида пул ўтказишини ёзган.

Аваллига дугонамнинг бу хатга чиндан ҳам ишонгани мени ҳайрон қолдирди. Нима бўлганда ҳам, огоҳ бўлиш зарур, чунки бу том маънодаги фирибгарлик! Сиз ўзингиз ҳақингизда билмай туриб, кимгадир ахборот берсангиз, у номингиздан нималар қилмайди, дейсиз.

раёни ҳозирча Марказий Осиё давлатларида у даражада кенг оммалашмаган. Айни пайтда унинг олдини олиш учун ахборот хавфсизликни кучайтириш ва энг муҳими, бефарқ бўлмаслик лозим. Чунки айнан лоқайдлик буларнинг уруғидир. «Gartner» статистикаси бўйича дунёда киберфазодаги «балиқчи»лар фирибгарликлари сони 2 баравар кўпайган, улар томонидан юборилган ҳар 10 нoma эгасидан биттаси уларнинг қармоғига илинаёпти.

Қисқача айтганда, фойдаланувчиларда интернет маданиятини тарбиялаш, Фарбада юз бераётган хатоларни ўрганиб, ўз вақтида хулоса чиқариш зарур. Интернет орқали паспорт ёки кредит карточка рақамларини беришда эҳтиёт бўлиш, расмлар ёки оилавий ахборотларни нотаниш кимсаларга жўнатмаслик керак. Чунки кўчада бегона кимсалар билан танишмаганингиз каби киберфазода ҳам эҳтиёткорлик айна мударо.

**Матлуба ТУРДАЛИЕВА,**  
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика**  
**факультети талабаси**



## ҚОҒОЗДАН СИМ-КАРТА

Португалиянинг мобиль алоқа оператори — «ТМН» компанияси «Самсунг Блу Эрс» телефонларини ноодатий сим-карталар билан биргаликда тақдим этмоқда. Бутун дунё тажрибасида илк бора кузатилаётган мазкур сим-карталар қайта ишланган қоғоз асосида яратилган. Техник янгилик ҳақида «Слэшгийер» манбаси маълум қилди.

Компания ходимлари мазкур саъй-ҳаракатлар атроф-муҳитни соф сақлаб қолишга ёрдам беришини таъкидлашмоқда.

Аслида сим-карта чип ва унинг пластик қобиғидан ташкил топган бўлади. Янги турдагисида эса пластик ўрама ўрнига қоғозли қобиқ ишлаб чиқарилган.

Бунда мобиль алоқа оператори билан «Incard» ва «Торрап» компаниялари ҳамкорлик қилган. Келгусида «ТМН» компанияси бошқа моделдаги телефон ва смартфонларни ҳам янгича сим-карта билан таъминлашни режалаштирган.

## ҚУРБАҚА-БАЛИҚ БОРМИ?

Копенгаген(Дания)даги Табиат тарихи музейи ходимлари Арктика сувларида илгари фанга маълум бўлмаган балиқларнинг ўнлаб турларини аниқлашга муваффақ бўлди. Уларнинг сўзларига қараганда, бу ҳудудга хос бўлмаган ҳайвонларнинг пайдо бўлиши иқлим ўзгариши ва глобал иссиқ ҳолати билан боғлиқ, деб ёзади «Дэйли Стар».

Гренландия ороли яқинида топилган янги турдаги сув ҳайвонларидан бири бу бўйи 17 см. га тенг қурбақа-балиқдир. Олимлар Арктика сув ҳавзасида бун-



дай балиқни илк бор кўришганганини айтишмоқда. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Кенг қўламли текирувлардан сўнг мутахассислар ушбу ҳудудда илк бора кузатилаётган яна 37 турдаги жонзотлар борлигини аниқлашган.

— Балиқларнинг бу каби миграциясига асосий сабаб глобал иссиқдир, — дейди тадқиқотчи Питер Мюллер. — Чунки бу ҳолат сувости ҳайвонларини Арктиканинг кенг чучук сув ҳавзалари томон ҳаракатланишга ундамоқда.

Шу билан бирга, топилган балиқларнинг 10та тури илгари олимларга маълум бўлмаган. Улар бу каби тадқиқот сўнги мартаба 1992 йили ўтказилганини айтган.

## ҚУВВАТ ОЛИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Хельсинки аэропортида мижозларга ўзига хос хизмат таклиф этилмоқда. Эндиликда телефонни қувватлаш ускунасини уйда ёддан чиқариб қолдирган одамлар ҳеч хавотирга тушмаса ҳам бўлади. Чунки бу ерда электр токи тизимига уланган ҳолда ҳам телефонни қувватлаш имконини берадиган кабелсиз аккумулятордан фойдаланиш мумкин. У Финляндиянинг «Пауэркис» инновацион компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

«Пауэркис» столи номини олган ушбу янги техника воситаси аэропортдаги қаҳвахона ва кутиш залларига ўрнатилган. Унинг ичига иккита қувватлаш имконини берувчи махсус ускуна ва ток ўтказувчи мослама жойлаштирилган. Ток ўтказувчи мослама қувватланиши зарур бўлган телефонга уланади. У шаклан USB-карта билан тенг.

Телефон столнинг устига қўйилиши билан ток ўтказувчи қурилма автоматик тарзда энергияга эҳтиёж бор-йўқлигини аниқлайди ва аккумуляторни бошқа шу турдаги ускуналар каби тез қувватлай бошлайди. Аэропорт раҳбариятининг маълум қилишича, яқин орада парвоз амалга ошираётганлар худди шу усулда ноутбукларни ҳам қувватга тўлдириш имконига эга бўлади.





# «ОЙ СЕНСАЦИЯСИ»

ундаги сув захираси қандай?

Яқин-яқингача Ернинг табиий йўлдоши куруқ ва намлик кузатилмайдиган макон сифатида эътироф этиларди. Ҳозирда эса Ойда бир қарашда ақл бовар қилмас ҳолат кузатилмоқдаки, эндиликда олимларнинг фикрича, ҳеч иккиланмай унинг «гидросфераси» ҳақида фикр юритиш мумкин. Боиси, изланишлар туфайли у ерда борган сари кўпроқ муз қатламлари топилмоқда.

«Нэйче Ньюс» нашрида келтирилишича, НАСА илмий ходимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари кўпчилик учун янгилик бўлди. Даставвал Ойда сув бўлганига ишора қилувчи далил — йўлдош юзасидаги доғ шаклидаги излар аниқланди. Сўнгра алоҳида-алоҳида кратерларда кам миқдорда сув топилди. Эндиликда эса, мутахассислар Ойнинг шимолий қутби яқинидаги 40та кратерда ҳаёт учун зарур ушбу суюқлик захираси камида 600 миллион тоннани ташкил этишини таъкидлашмоқда.


— Шу пайтгача Ой ҳақида етарлича билим ва маълумотга эгамиз, деб ўйлар эдик, аммо сўнги тадқиқотлар бунинг аксини кўрсатди, — дейди тадқиқотчи Пол Спадис. — Ҳозир йўлдошда турли шакл, концентрация ва ҳар хил географик қатламларда сув бор, деган қараш ўз тасдиғини топди. Энг қизиғи, вақти-соати келиб бир кун биз айна пайтдаги каби Ой гидросфераси ҳақида фикр юритишимизни илгари ҳеч ким тахмин ҳам қилмаганди.

Пол Спадис бир қатор олимлар билан ҳамкорликда Ернинг йўлдошида сув бор-йўқлигини аниқлашга қаратилган «Мини-САР» («Mini-SAR») лойиҳасида фаолият юритади. Улар томонидан ишлаб чиқилган радарли ускуна Ҳиндистоннинг «Чандраян-1» зон-

дида Ойга чиқарилганди. Айна шу қурилма ёрдамида туби 2 метрдан кам бўлмаган музлик билан қопланган кратерлар аниқланди.

— Топилманинг ҳажми қанчалик катта эканини изоҳлаш учун бир қиёсий намуна келтиришнинг ўзи етарли. Агар Ойдаги сувни ракета ёқилғиси, деб тасаввур қилинса, у тахминан 2 минг йил ичида ҳар куни самога шаттл жўнатиш имконини берган бўларди. Шунга қарамай, бизнинг кузатувлар Ой чинакам манзарасининг бир қисми, холос, — деб қўшимча қилди мутахассис.

Қолаверса, сайёрамиз йўлдошида нафақат сув, балки унинг маълум бир даврий (циклик) айланиши ҳам кузалиши мумкин экан. Ҳар ҳолда сўнги изланишлар, хусусан, «Мини-САР» лойиҳаси, Ой минералогиясини ўрганувчи кўрсаткич «Мун минераложи мэппер» (ёки қисқача М3), океан ортидан учирилган «LCROSS» ҳаво аппарати ёрдамида олинган маълумотлар шундай фикрни илгари суришга асос бўляпти. Спадис ҳозирда йўлдошда уч турдаги сувни аниқлашга муваффақ бўлинганини маълум қилди. Жумладан, «Мини-САР» дастури доирасида кратерларда тоза, чучук муз суви топилган бўлса, «LCROSS» зонди тупроқ аралаш муз кристалларини, «М3» эса йўлдош юзасида юпқа муз қопламаси борлигини кўрсатди. Жараёнда «Чандраян-1» бортидаги ускуналар («М3» кўрсаткичи ҳам шулар жумласидан) шимолий қутб ҳудудларига қаратилганди. «LCROSS» аппарати, аксинча, асосан жанубий томонни тадқиқ этган. Аниқроғи, унинг ажраладиган қисми кратер тубига улоқтирилган, ор-



битада қолган зонд ўз навбатида қўтарилган чанг таркиби бўйича маълумотларни тўплаган. Айна пайтда Ердаги обсерваторияларда ҳам жараён назорат этиб борилган.

Ҳозирда мутахассислар зонд ёрдамида олинган маълумотларни таҳлил қилишмоқда. Уларнинг тахминича, кратердаги сув асосан икки турдаги қатламда учрайди. Биринчи қатлам минераллар мажмуидан таркиб топиб, у жуда юпқа ва нисбатан кечроқ даврда пайдо бўлган экан. Бир неча миллиметрга тенг шу қатламни «М3» ускуна-

си тош ва қоялар, тўзон ва юза қисмида аниқлаган. Иккинчи қатлам мутлақо бошқача бўлиб, уни олимлар «LCROSS» аппарати ёрдамида олинган маълумотлар орқали билиб олишган. Гарчи унда сув миқдори кўпроқ бўлса-да, қатламда бундан ташқари яна кўп қатлам бор. Бунда масалан, олтин-гургурт диоксиди, метанол ва ҳаттоки органик модда — диацетилен ҳам учрайди. Қатлам қалинлиги 50 см.дан ортиқ бўлгани сабаб тадқиқотчилар у анча қадимда шаклланиганини айтишмоқда.

Изланишлар қатор қутилмаган натижаларни бериш билан биргаликда кўп қатлам саволларни ҳам юзага келтирди. Мисол учун, нега баъзи кратерларда соф, қолганларида қоришмалли мураккаб таркибли муз бор? Олимлар Ойдаги бу сувнинг манбалари турли хил бўлиши мумкин, деган фикрда. Чунки сув захирасининг маълум қисми Ойнинг ўзида вулдуғ келиши мумкин. Бунда Куёш шимолидаги протонлар йўлдошдаги металл оксидларига таъсир ўтказди. Сувнинг қолган қисми эса улкан музлик ҳисобланган астероид ёки кометалар орқали пайдо бўлган, деган тахмин илгари сурилмоқда. Яна бир тахмин куйидагича: сувнинг аксарият қисми аста-секинлик билан Ой юзаси бўйлаб Куёш қиздирадиган ҳудудлардан буғланиб, совуқ қутблар маконида яна тўпланиши мумкин экан. Агар кейинги тадқиқотлар мазкур жараён нисбатан ҳам кузатилишини исботласа, у ҳолда Ойда сайёрамиздаги каби сувларнинг айланиши (цикли) мавжудлиги асосланади.

## Sharh



## ЭНГ КАТТА ТЕЛЕСКОП — ЧИЛИДА

Сайёрамиз Жанубий яримшаридаги астрономик тадқиқотлар ташкилоти Европа кенгаши улкан телескопнинг қурилиши борасидаги қарорни тасдиқлади. Ускунада 42 метрли кўзгу бўлиб, у Чилидаги Атакама саҳросининг марказий қисми, аниқроғи Армазонес тоғи чўққисида барпо этилади.

Ташкилот берган маълумотларга кўра, «Европанинг жуда катта телескопи» («European Extremely Large Telescope») ёки қисқача, «E-ELT») ҳажми бўйича ҳозирда ишлаб турганларидан ҳам улкандир. Қурилма 2018 йилда ишга туширилиши режалаштириляпти. «E-ELT» оптик ва ультра-қизил диапазонларда фаолият юритади.

Даставвал ташкилотнинг Консултиватив кўмитаси телескопни қуриш таклиф этилаётган бешта аризани кўриб чиқди. Сўнг денгиз сатҳидан 3 060 метр баландликдаги Армазонес чўққиси бу борада энг мақбул шарт-шароитларга эга, деган хулосага келди. Чунки ундан 20 километр узоқликда ташкилотга қарашли обсерватория ва «Катта телескоп» ускунаси ҳам жойлашган.

Шунингдек, ташкилот ҳисоботида янги телескопни Атакама саҳросида ўрнатиш унинг фаолиятини тез орада Жанубий яримшарда ишлаб бошлайдиган бошқа йирик ускуналар билан мувофиқлаштириш имконини бериши қайд этилган.

## КОБИЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРМАЙДИ!

Буюк Британия олимлари «ривожлантирувчи», дея эътироф этиладиган компьютер ўйинлари ақлий салоҳият даражасининг ошишига у қадар таъсир кўрсатмаслигини аниқладилар. Тиббий тадқиқотлар кенгаши ташкил этган мазкур изланиш натижалари «Нейчэ» журналида баён этилган.

Мутахассислар тажрибага 11 мингдан ортиқ кўнгиллиларни жалб этган. Бир ярим ой давомида 8 мингдан ортиқ иштирокчилар ҳафтасига уч марта 10 дақиқа мобайнида ўйинлар билан машғул бўлган. Уларга таклиф этилган 12 турдаги компьютер ўйинлари мантиқий фикрлаш, хотира, диққат-эътиборни ва шу каби бошқа ақлий қобилиятларни ривожлантирувчи деб топилганди. Қолган 3 мингга яқин қатнашчилар бўлса, худди шу вақт давомида интернетда маълумот кидириш билан банд бўлган.

Шу билан бирга, тажриба давомида барча иштирокчиларнинг салоҳият даражаси (IQ)ни белгилашга қаратилган текширувлардан ўтишган. Тажриба натижалари таҳлил этилган эса, ўйин билан машғул бўлган кўнгиллилар уларга таклиф этилган вазифаларни бажариш борасидаги кўрсаткичларини яхшилашга эришгани аниқланди. Лекин ақлий қобилиятларнинг ривожлангани икки гуруҳда ҳам сезилмаган.

Тадқиқот раҳбари Адриан Оуэннинг айтишича, гарчи барча иштирокчилар компьютер ёрдамида вазифаларни бажарса-да, бу IQ-тестлар натижасига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган. Шу сабаб олим ривожлантирувчи компьютер ўйинлари ақлий қобилиятларнинг ошишига таъсир этишига ишонмаслик керак, деган фикрда.

Айна пайтда океан орти мутахассислари бу каби ўйинлар асосан тафаккур билан боғлиқ қобилиятлари сусайган кекса ёшдаги инсонлар учун мўлжалланганини таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, ушбу мезондан келиб чиққан ҳолда янада аниқроқ натижаларга эришиш учун тажриба қатнашчиларини танлашга бироз бошқача ёндашиш зарур.



## АЛОҚАГА ЧИҚМАДИ

Марсни тадқиқ этувчи самовий аппарат «Спирит» навбатдаги алоқага чиқмаганини НАСА мутахассислари маълум қилишди. Уларнинг фикрича, бунга сабаб қурилма автоматик tarzda кам миқдорда энергия сарфлаш ҳолатига ўтганида бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда «Спирит»нинг вақт кўрсаткичи ишлаб турса-да, алоқа ўрнатиш ва бошқа функцияларни амалга оширувчи қисм фаолиятдан тўхтади. Чунки шу пайтда бутун энергия қиздириш ва аккумуляторни қувватлашга йўналтирилади. Қувват белгиланган миқдорга етганида аппарат жадвалга кўра ишлаши ва алоқага чиқиши зарур.

— «Спирит» билан бир неча ҳафта ёки ой давомида боғланишнинг имкони бўлмаслиги мумкин, аммо етарлича энергия тўпланганидан сўнг у алоқага чиқишига умид боғлаймиз, — деди Калифорниядаги Пасада лабораторияси ходими Жон Каллас.

Айтиш зарурки, қурилманинг қувват олиш даражаси жуда паст, боиси у Куёш батареялари ёрдамида ишлайди. Айна пайтда эса Марснинг жанубий яримшарида қиш фасли ҳукмрон ва у май ойининг ўрталаригача давом этади. 2004 йил сайёрага қўнган аппарат шунча фурсат ичида уч маротаба қишни муваффақиятли кечирган. Сўнгра батареяларни Куёш нурларига имкон қадар қулай tarzda қаратиш мақсадида «Спирит» шимол томонга ҳаракатлантираётганди. Эндиликда мутахассислар бу галги қиш мавсумида мазкур ишни амалга ошириб бўлмаслигини таъкидлашмоқда. Сабаби, 4 ой олдин қурилманинг филдираклари юмшоқ тупроқда ботиб, улардан биттаси ишдан чиққанди. Аввалига бта бўлган филдиракларнинг яна бири эса 4 йил олдин бузилган. Охири пайтларда қурилма ҳафтасига бир маротаба НАСАнинг орбитадаги «Одиссей» зонди билан алоқага чиқаётган эди. Агар «Спирит» билан яна боғланишнинг имкони туғилса, уни Марсдаги Индевор номидаги кратерига йўналтириш режалаштирилмоқда.



## ТУШКУНЛИККА ШОКОЛАД ОМИЛ(МИ?)

Калифорния университети олимлари қутилмаган хулосани тақдим этишди: шоколадни хуш кўрувчилар бошқаларга нисбатан кўпроқ тушкунликка тушар экан. Шу пайтгача эса мазкур турдаги ширинлик кайфиятни кўтарувчи восита сифатида тилга олинди, деб маълум қилди Би-Би-Си.

Мингдан ортиқ кўнгиллилар иштирок этган тажриба одамлар шоколадни қанча кўп еса, уларнинг кайфияти шунча ёмонлашишини кўрсатди. Қолаверса, ойига 28 граммли ширинликни олтидан кўп истеъмол қиладиганларда депрессия ҳолати қолганларга нисбатан кўпроқ кузатилар экан. Мутахассисларнинг фикрича, бунга бир неча сабаб бўлиши мумкин. Биринчидан, тушкунликка мойил инсонлар шоколад кайфиятни кўтаради, деган фикрга ортиқча берилиб, унинг самарали восита эканига ўзларини ишонтиришга уринади. Иккинчидан, тушкун кайфият инсонда аслида унчалик ҳам фойдали бўлмаган ширинликни тез-тез истеъмол қилишга мойилликни кучайтиради.

Ҳақиқатда бўлса, шоколад қисқа муддат ичида яхши самара бериши мумкин, лекин унинг кайфиятга узоқ пайт давом этадиган таъсири салбий бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг устига, тадқиқотчилар баъзи ҳолларда бу турдаги ширинлик депрессиянинг келиб чиқишига асосий сабаб бўлишини ҳам таъкидлашмоқда.



Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



“Кичик жуссали, қарашлари ўткир, вужудидан ғайрат ёғилиб турган устознинг биринчи бор синфга кириб ўтган дарси хотирамизда бир умрга мухрланиб қолган. Бурҳон ака кириб келиши биланок синфхона сув куйгандек жимжит бўлиб қолар, бундан ҳатто пашшанинг учгани эшитиларди. Устознинг ўз фанига масъулият билан ёндашиш қобилияти туфайли бўлса керак, биз ўқувчиларда она тили ва адабиёт фанига бўлган иштиёқ ўзгача тус ола бошлади. Устоз 45 дақиқа давомида фақат дарс ўтибгина қолмай, балки ҳар бир ўқувчининг зехнини синовдан ўтказиб борар, иқтидори билан ажралиб турадиган болаларга эса, кўшимча вақт ажратиб, улардаги қизиқишни янада оширишга ҳаракат қиларди...”



**Б.Дўстқораев:** — Вилоятимизда учта футбол жамоаси, не не номдор шоир, адиб, курашчи, чавандозлар бўлгандан кейин кўп бўлиши турган гап. Адабиёт шайдолари ҳам бор, албатта. Фақат сиз билан биз «пойтахтлик» бўлиб туманларимиздан бироз ўзилиб қолганмиз-да. Яна бир филолог кадрдонимиз Фармон Холбўтаевни

Юқорида келтирганимиз самимий фикрлар олий тоифали методист, кўплаб шогирдларнинг севимли устози Бурҳон Турдиевга нисбатан ўқувчиларининг кўнглидаги гаплари. Устоз 1965 йили Тошкент давлат университетининг филология факультетини тугаллаб, шу йили илк фаолиятини Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида-

радиган ижодий учрашувларингизга камина ҳам қўшилиб қолдим. Ҳамкасблар, дўстларнинг дилтортар суҳбатларига раҳматли Қодир Пирматов Жиззаҳдан келарди. Сирдарёлик Умрзоқ Ўлжабоев, Омон Сувоновлар-ку бирор учрашувни ўтказиб юбормай, ҳозиргача хатосиз келиб туришади. Адиб, мунаққидларнинг Гулистонда ўтказилади-

Ўтмишдаги буюк мутафаккирлар, улусий сиймолар, закий инсонлар, даҳо аждодларимиз номларини тилга оламиз, ноёб истеъдод эгаси бўлганлигини фахрланиб гапираримиз, лекин уларнинг ҳаёти, яратган асарлари, амалга оширган эзгу ишлари, улғув мероси ҳақида кўп ҳам тўлиқ маълумотга эга эмасмиз.

## ИЛИҚ ФИКРЛАР БИЛДИРИЛДИ

Олим ва адиб, толмас тадқиқотчи, тиниб-тинчимас ижодкор Пирмат Шермухамедовнинг тарихда ўзидан ўчмас из қолдирган буюк сиймолардан бири — Абул Қосим Махмуд ибн Умар ибн Муҳаммад Замахшарий тўғрисида ёзган «Яхшилар баҳори ёхуд Махмуд Замахшарий даҳоси» илмий-маърифий романи билимимиздаги ана шу бўш-ликни тўлдиришга ҳисса қўшиши тайин. Бу китобни ўқиган инсоннинг ақли тўлишади, билмани билиб олади, тарихга теран назар билан қарай бошлайди.

Илгари замонларда Замахшарийни ўрганишга йўл қўйилмас, очикдан-очик кўйилмас қийин эди. Лекин бахтли авлод, мустақил юрт фарзандлари улғулар меросини ўрганишдек буюк неъматдан баҳра олишаёттир. Миллий истиклол шарофати билан халқимиз улғу алломаларимизнинг бой маънавий меросини яхшироқ ўрганиш имкониятига эга бўлди. Низомий номидаги ТДПУнинг мажлислар залида мазкур китоб тақ-

димоти ана шу каби фикрларга урғу бериш билан бошланди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, педагогика фанлари доктори Марғуба Мирқосимова, Қозоқбой Йўлдошев, адабиётшунос олим Аҳамбек Алимбеков, журналист ва шоирлар Абдушайид Кўчимов, Музаффар Аҳмад, шунингдек, ижодкор талабалар китобда буюк бобомизнинг

# ХОТИРА ЖОНЛАНГАНДА ГЎЗАЛДИР

ги 45-мактабда бошлади.

Бурҳон аканинг 30 йиллик педагогик фаолияти давомида олиб борган савобли ва эзгу ишлари ҳақида бундан-да ёрқин мисоллар келтириш мумкин. Куш тилини куш билганидек, Бурҳон Турдиев билан умрининг энг бахтли дамларини, яъни талабалик йилларини бошдан ўтказган инсонларнинг хотиралари 70 ёшни қарши олган устоз учун ўта қимматли совга бўлади, деб умид қиламиз. Зеро, халқ тили билан айтганда, хотиралар жонланганда гўзалдир.

Этиборингизга Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси деган фахрли номга сазовор бўлган устозлар Сайди Умиров ҳамда Бойбўта Дўстқораевнинг Бурҳон Турдиев ҳаёти билан боғлиқ самимий суҳбатини ҳавола этарканмиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

**С. Умиров:** — Турли соҳа, касб-хунар соҳибларининг ордан йиллар оша ўзаро йиғилиб, ўтган даврни, талабалик йилларини, сабоқ берган ўқитувчиларини эслаш баробарида бугунги кундаги фаолияти, олиб бораётган ишлари, эришган ютуқлари, орзу-армонларидан бир-бирларига сарҳисоб бериб туришлари яхши аъёнлардан ҳисобланади. Нима дедингиз?

**Б. Дўстқораев:** — Гапингизда жон бор. Бу аъёна айниқса, филолог, журналист, ўқитувчи, умуман, зиёлилар аҳли орасида яхши аъёнага айланган, назаримда.

Эсингиздами, беш йил бурун Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетини битирганларнинг қирқ йиллигини нишонлаш учун тўпланганимизда меҳмонлар қаторида сизни ҳам таклиф этгандик.

**С. Умиров:** — Ёдимда. Ажойиб учрашув бўлганди ўшанда. Собик курсдошларингизнинг гурунларини эшитиб жуда хурсанд бўлган эдим. Қизиғи, кейин ойда бир марта бўлиб ту-

ган ижодий учрашувларининг ташаббускорларидан бири Умрзоқнинг Тошкентда илмий, адабий анжуманларда мунтазам қатнашиб туришига қойил қолсак арзийди.

**Б. Дўстқораев:** — Баркамол авлодни тарбиялашда шундай фидойи инсонлар қанча кўп бўлса, шунча яхши-да. Курсдошимиз Бурҳон Турдиев сизга бошқача меҳр қўйган-да. Тин-

### Орамиздаги odamlar

май сиз ҳақингизда гапирарди.

**С. Умиров:** — Ахборот воситаларини мунтазам кузатиб, адабиёт янгиликларидан хабардор бўлиб борадиган, кўп йиллик тажрибага эга тиниб-тинчимас педагог, қаламкаш Бурҳониддин Чинозийни айтаяспизми? Адабиёт ва матбуотнинг ҳақиқий шайдоси-ку у.

**Б. Дўстқораев:** — Ўтган йили унинг машҳур навоийшунос олима Суйима Ғаниева, таниқли шоира Фарида Афрўз билан бирга бизни ҳам Амир Темур номидаги мактабга таклиф этиб, мароқли учрашув ташкил қилганини айтмайсизми?

**С. Умиров:** — Бурҳоннинг катта йўл бўйида бизни кутиб олиб, машинадан тушишимиз биланок, Суйима опанинг китоб, мақолаларини бирма-бир санаб кетганлиги, Фарида ғазалларидан ёддан ўқиб берганини кўриб, завқим келганди. Ундаги ёшларга хос бўлган ғайрат ва шижоатга ҳавас қилмай илож йўқ. Аслида, ҳар бир туманда шундай адабиёт, ижод шайдолари бўлади. Таниқли адабиётшунос, Беруний мукофоти совриндори, марҳум Мурод Иброҳимов ҳам шундайлардан эди. Унинг Чинозда Ойбек, яна бир қанча олим, адиблар билан ижодий учрашувларни ташкил қилгани маълум. У билан аспирантурада бирга ўқигандик, бунинг устига иккимиз ашаддий футбол ишқибозларидан эдик. Чирокчида ҳам адабиёт, спорт шайдолари кўп бўлса керак?

тилга олмоқчиман. Борган адиб, олимларни “Хуш кўрдик”, — дея кутиб оларди. Ҳозир нафақада бўлса ҳам Наврўз байрамини ўтказишда, йўл ва кўприклар қурилишида, турли тадбирларда фаол қатнашиб туради.

**С. Умиров:** — Бизнинг Пайариққа борган шоир, адиб, олим, артистларнинг кўпи дорихоначи кадрдонимиз Зиёдулла Нурматовнинг маърифатпарварлиги, меҳмондўстлигини мактаб келишди. У ўзи яхши ижодкор, кўплаб шеърӣ ва насрий китоблар муаллифи, ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Борганлар юз қўйли бойларни, беҳисоб мол-мулкни, шоҳона қасрли одамларни эмас, айни шундай зиёли, ориятли, кўнгли, дастурхони очик, камтар инсонларни кўпроқ эслаб юришади.

**Б. Дўстқораев:** — Дўстимиз Бурҳон Турдиев талабалик йилларида ҳам шундай жонсарак, куйди-пишди эди. У шарафли касбини эъозлади, кўп шогирдлар тарбиялади. Турмуш ўртоғи Қумри опа билан тўрт ўғил, тўрт қизни тарбиялаб вояга етказди. Нафақага чиққан бўлса-да, коллежда ҳам сабоқ бериб, асосий вақтини жамоат юмушларидек савоб ишларга сарф этиб, адиб, олимлар билан янги ижодий учрашувлар уюштириш тадоригини кўриб келаётибди.

**С. Умиров:** — Унинг 70 ёшни қоралаб қўйганига ҳеч ким ишонмайди. 40 ёшли йигитларникидай шижоати бор ҳалиям. Қалами доимо чархланган. Истагимиз ҳамиша ана шундай шижоат уни тарк этмасин.

**Ҳа, яхши сўз гўёки офтобга ўхшайди. Ундан баҳраманд бўлган инсоннинг юзи ёришади. Яхши устозлар ҳақида илиқ гаплар эшитганимизда эса, нафақат юзимиз, балки қалбимиз ҳам офтоб нурларидан баҳраманд бўлади.**

**Назира БОЙМУРОВА**  
ёзиб олди.

### Taqdimot

Юртсеварлик, маърифатга, илмга интилиш фазилатлари ёрқин бўёқларда очиб берилгани, муаллифдан мавзуга ёндашишда олимлик иқтидори, катта ёзувчилик салоҳияти талаб этилгани тўғрисида илмий-маърифий асардан мисоллар келтирган ҳолда тахлий фикр юритишди.

Китоб тақдимоти якунида олим ва адиб Пирмат Шермухамедов илмий-маърифий асари тўғрисида илиқ фикрлар билдирган илм аҳлига, устозу талабаларга ва барча иштирокчиларга самимий миннатдорчилигини билдирди.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ**

#### Ҳурматли Муаттархон РАҲИМОВА!

**70 ёшингиз муборак бўлсин!**  
Сиз умрингизнинг асосий қисмини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлагингиз. Қатор йиллар давомида педагог кадрларни қайта тайёрлаш, Халқ таълими раҳбар ходимларининг малакасини ошириш даргоҳларида хизмат қилдингиз. Сизнинг таълим тизими фаолиятига бағишланган рисодаларингиз, ўқувчиларга мўлжалланган дарслик, қўлланмаларингиз бу соҳада самарали меҳнат қилганингиздан далолатдир.  
**Биз Сизни табарруқ 70 ёшингиз билан кутлар эканмиз, Сизга узок-умр, мустақам соғлиқ, ижодий баркамоллик тилаб қоламиз. Фарзандларингиз ва набираларингиз бахтига доимо соғ юринг.**

**Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан бир гуруҳ курсдошларингиз.**



#### Ҳурматли Ҳикматулла АСАТУЛЛАЕВ!

**Сизни кутлуғ 60 ёшингиз ҳамда таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан кутлаймиз.**

Баркамол авлодни тарбиялашдаги шарафли ва масъулиятли меҳнатингизда битмас-туганмас куч-қувват, ғайрат ва шижоат, узок умр ва мустақам соғлиқ тилаймиз.

Кўп йиллар давомида фарзандларингиз ва шогирдларингиз камолини кўриб юриш бахти насиб этсин.

**Зомин тиббиёт коллежи жамоаси**

# ҲОЗИРЛИК ҚИЗФИНИ

Инсоннинг ўзидаги иқтидорни намоён этиши ва жамият ривожига ҳисса қўша олишида жисмонан соғлом бўлмоқ муҳим ўрин тутлади. Биз таҳсил олаётган Навоий давлат педагогика институтида бу масалага катта эътибор қаратилади. Ҳуқуқ юртимизда ташкил этилган спорт секцияларида талабалар ўзлари қизиққан спорт турлари билан шуғулланишди.

Институтимизда яқин кунларда Андижонда бўлиб ўтадиган «Универсиада-2010» спорт мусобақаларига қизғин ҳозирлик қўрилмоқда. Навоийлик ёшлар бу баҳсларда вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга астойдил бел боғлаган. Бунинг учун, аввало, факультетлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилиб, терма жамоа тузилди. Бунда йигит-қизларнинг иқтидори баробарида уларнинг руҳий тайёргарлиги, турли муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олиш борасидаги малакалари ҳам эътиборга олинди. Вилоятимиздаги иккита олий ўқув даргоҳи, яъни Навоий давлат кончилиқ институти ва Навоий давлат педагогика институти талабалари ўртасида бўлиб

ўтган иккинчи босқич мусобақалари эса 127 нафар эҳчил ва чаққон, турли беллашувларда иштирок этиб, қатор ютуқларни қўлга киритган ёшларни саралаб берди, десак муболаға бўлмайди. Айни кунларда улар тажрибали ва моҳир мураббийлар кўмагида машғулотлар олиб боришмоқда. «Универсиада-2010» спорт мусобақаларида иштирок этадиган талабалар орасида республика ва халқаро миқёсдаги беллашувларда муносиб ютуқларни қўлга киритганлар ҳам талайгина. Жумладан, каратё-до бўйича Ҳиндистонда ўтказилган мусобақаларда олтин медални қўлга киритган Толиб Тоиров, эркин кураш бўйича Швецияда бўлиб ўтган баҳслардан олтин ме-

## «Универсиада-2010»

даль билан қайтган Нодир Комилов, армрестлинг бўйича Англияда ташкил этилган жаҳон чемпионатининг олтин медал соҳибаси Екатерина Шишкова ва бошқалар бор. Бу рўйхатни узок давом эттириш мумкинлиги вилоятимиз жамоасининг имкониятлари кенглигидан далолатдир. Шу ўринда қайд этиб ўтиш ўринлики, вилоятимизда сув спорти, кураш, белбоғли кураш каби спорт турлари кенг ривожланган бўлиб, бу йўналишлар бўйича қатор муваффақиятлар қўлга киритилган. Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида қад ростлаган мухташам спорт иншоотларининг замонавий тарзда жиҳозлангани, мураббийларнинг илгор педагогик технологиялар асосида иш олиб бориши ҳамда тез-тез турли беллашувларнинг ташкил этилиши ёшларнинг жисмоний тар-

бия ва спортга бўлган қизиқишини янада оширмоқда. — Мен мактабда ўқиб юрган кезларимда ноқ стол тенниси билан шуғулланардим, — дейди Педагогика факультети 1-босқич талабаси С.Сайфуллаева. — Қарангки, спорт мусобақаларида қатнашиш кишида қандайдир ички гуруҳ ҳиссининг камол топишига ҳам хизмат қилар экан. Аввал синфимиз обрўси учун даврага тушганман. Кейинчалик мактаб, туман, курс, энди эса институт... Бугун Навоий вилоят вакили сифатида куч синашаман. Ҳа, навоийлик ёшлар «Универсиада-2010» беллашувларига ана шундай шижоат билан ҳозирлик кўришмоқда. Ишонч ва умид уларга ҳаммаша ҳамроҳ бўлишни тилаб қоламиз.

Феруза ХОЛИҚУЛОВА, талаба



## ФИНАЛДА ФАҚАТ ОМАДЛИПАР

Европа чемпионлар лигаси финалчилари номи маълум бўлди. Улар французларнинг «Лион»ни ўз уйида доғда қолдирган (0:3) «Бавария» (Германия) ҳамда Испанияда «Барселона»ни енголмаган (1:0) «Интер» (Италия) жамоаларидир.

Мавсумни бироз беқарор руҳда бошлаган Луи ван Гаал шогирдлари ўйиндан ўйинга шакллана бориб, ва ниҳоят, финал йўланмасини муносиб тарзда қўлга киритган бўлишса, Жозе Моуриньо шогирдлари ҳар доимгидек йўлини қилди.

Нима бўлишидан қатъи назар, 22 май куни Мадрид шаҳридаги машҳур «Сантьяго Бернабеу» ўйингоҳида Европанинг мазкур икки клуби қўлнинг бош соvrини учун сўнгги курашга киришади.

Таассуфки, ЕЧЛга нисбатан қизиқарли ва мазмундор ўтган Европа лигаси ярим финал баҳслари ҳам қутлимаганда гранд жамоасиз финал ҳада этадиган бўлди. Европа лигасига «адашиб» тушиб қолган жаҳоннинг буюк жамоаларидан бири — Англиянинг «Ливерпуль»и ўз уйида испанларнинг «Атлетико Мадрид» жамоасини енгди (2:1), бироқ мазкур галаба Гамбург шаҳрига бошловчи «чипта» учун камлик қилди.

Энг қизиги, ўз уйида ўтадиган финал ўйинини «Гамбург» жамоаси ҳам энди томошабин сифатида кузатади. Бойси, немис клуби сафарда инглизларнинг «Фулхэм»ига 2:1 ҳисобида имкониятни бой берди.

Шу тариқа, 12 май куни «Нордбанк-Арена» ўйингоҳида ўтадиган финалда энди «Фулхэм» ҳамда «Атлетико» қарама-қаршилиги қўлнинг иккинчи соvrини соҳибини аниқлаб беради.

## МАРИЯ МОНРЕАЛГА БОРАДИ

Таниқли рус спортчиси Мария Шарапова Монреал шаҳрида бўлиб ўтувчи «Rogers Cup» турнирида иштирок этаётгани тўғрисида маълумот берди. Мазкур нуфузли биринчилик 13—22 август кунлари ўтказилади, деб хабар тарқатди «Canwest News Service».

Шарапова ушбу турнирда қаторасига тўртинчи мартаба қатнашапти. У бу борадаги энг яхши натижасига 2009 йили эришган. Ушанда Мария ватандоши Елена Деметрѐвага ютқазиб қўйган. Шарапова март ойида кечган Индиан-Уэллс турнирида олган жароҳати туфайли ҳанузгача катта кортга тушолмапти. Ракетчаниннинг кортга қайтиши 8 майда Мадридда старт олгувчи халқаро турнирда кузатилиши мумкин. Унчага эртага Римда бошланувчи биринчиликни ўтқазиб юборади. Монреалда Шарапованиннг асосий рақиблари бельгиялик Ким Клейстерс ва сербиялик Ана Иванович бўлиши қутляпти.

## ЯХШИПАР ИЧРА ЭНГ ЯХШИСИ

Миллий хоккей лигаси жамоаси — «Вашингтон» ҳужумчиси Александр Овечкин мавсумнинг энг сермахсул спортчиларигагина насиб этувчи «Харт трофи» мукофотига номзодлар сафига киритилди, деб ёзилади мазкур лиганиннг веб-сайтида.

«Харт трофи» («Hard trophy») соvrини мунтазам хоккей чемпионатида ўз клуби сафида энг қимматли ўйинчи, деб топилган спортчига насиб этади. Фолиб номи Профессинал хоккей ассоциацияси мутасаддилари ишонч билдирган спорт журналистлари томонидан берилган овозлар натижасига кўра аниқланади. Бу йилги бахтли хоккейчига мукофот 23 июнь куни Лас-Вегасда ўтказилган «NHL Awards» тантанали маросимида топширилади. Овечкиндан ташқари ушбу қимматли соvrинга «Питтсбург» аъзоси Сидни Кросби ҳам номзод саналапти. Учинчи номзод эса Хенрик Седин, у «Ванкувер» клуби шарафини ҳимоя қилади.

# АКА-УКА — БИР-БИРИГА ЎРНАК

Оиланиннг жамият ҳаётида тутган ўрни бекиёс. Айниқса, баркамол авлодни тарбиялашдаги унинг аҳамиятига тўхталмасдан илож йўқ. Жумладан, икки нафар чемпионни етказиб берган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманида истиқомат қилувчи Назаралиевлар оиласини бу борада ўрнак қилиб кўрсатса бўлади. Таэквандо ВТФ тури бўйича Зайнобиддин Назаралиев бир марта, Собир Назаралиев эса 4 карра Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлган.

Оилада отаси спортга қизиққани учунми, фарзандлари ҳам спорт билан шуғуллана бошлади. Ҳозирда юртимизда спортга берилаётган эътибор ва уларга яратилаётган шароит ҳам уларнинг қизиқишларининг муносиб тақдирланишига замин яратди. Зайнобиддин 2004 йилдан бошлаб юртимизда ва халқаро миқёсда ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб келмоқда. У 2007 йили Хитойнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Бундан ташқари, 2007 йили Кореяда бўлиб ўтган Қуролли Кучлар жаҳон чемпионатида ҳам муносиб иштирок этди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида таҳсил олаётган спортчи Осиё чемпионатида тайёргарлик кўрмоқда.



бери Шарқ яккакурашлари билан шуғулланади. У 2006 — 2009 йилларда 4 карра мамлакат чемпиони бўлишдан ташқари, 2008 йили Кореяда

## Championlar oilasi

бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида фолибликни қўлга киритган. «Соғ танда — соғлом ақл» деган сўзларни ўзига шиор қилиб олган С.Назаралиев ўз муваффақиятлари сонини янада кўпайтириши қатъий мақсад қилган. Унинг илк мураббийси Кин Ин Хо шогирдининг келажагига катта ишонч билан қарайди.

— Собир биринчи марта машғулотларга келганда, унинг кўзларидаги шижоатни кўрганман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ҳатто мағлубиятга учраган пайтларида ҳам, тушқунликка тушмасди. Ҳаммасини бошидан бошлашга ҳаракат қилар эди. Ана шундай фазилатлари туфайли кўп муваффақиятларга эришди.

Халқаро миқёсда Ватанимиз доврўгини ошираётган бу спортчи ҳам Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси.

Ака-ука спортчиларнинг келгуси фаолиятида янада улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Шаҳрибону ИМОМОВА

# “УЧ ОҒА-ИНИ БОТИР”ЛАР САФАР ТАРАДДУДИДА

Осиё чемпионлар лигаси ҳам тобора ўзининг қизгин палласига кириб бораётган. Халқаро майдонда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган икки клубимиз — «Пахтакор» ҳамда «Бунёдкор» гуруҳдан чиқиш масаласини ижобий ҳал қилишга муваффақ бўлгани мухлисларни қувонтирди.

ОФК кубоги учун кечаётган баҳсларда ишончли қатнашаётган Қаршининг «Насаф» клуби ҳам юришини давом эттирадиган бўлди. Улар гуруҳдаги охириги матчни сафарда «Ал Жаиш»га қарши ўтказди. Қаршилиқларнинг плей-офф йўланмасини қўлга киритиши учун дуранг натижа ҳам кифоя қиларди, бу амалда ўзини оқлади, ҳисоб — 1:1. Энди «Насаф» клуби Суриянинг бошқа бир жамоаси, «А» гуруҳи пешқадами «Ал-Карам»га қарши майдонга тушади. Мазкур ҳажжонли баҳсга юртдошларимиз 11 май куни гувоҳ бўлиши режалаштирилган. «Насаф»дан ташқари, шу куни

яна «Казма» (Кувайт) — «Шабоб Ал-Ордун» (Иордания) жамоалари ҳам ўзаро баҳсга киришади.

Осиё футболнинг бош соvrини учун кечаётган беллашувларда бироз қийинчиликларга дуч келган «Бунёдкор» клуби ўз уйида ўтказилган гуруҳдаги охириги ўйинда мухлислар ишончини оқлади. «Қалдирғоч»лар «Ал-Ваҳда» клубини 4:1 ҳисобида ер ташлатди. Маълумки, Луиз Сколари шогирдларининг кейинги босқичга чиқиш-чиқмаслиги фақатгина уларнинг галабасига эмас, балки гуруҳнинг қолган икки жамоаси — «Зоб Оҳан» ва «Ал-Иттиҳод» учрашувидаги натижага ҳам боғлиқ

қолган. Яхшиямки, эронликлар ўз уйида «Ал-Иттиҳод»ни 1:0 ҳисобида енголди ва «Бунёдкор»га том маънода ёрдамлашди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони 1/8 финал баҳсини 12 май куни Ар-Риёд шаҳрида Қирол Фаҳд халқаро стадионида Саудия Арабистонининг амалдаги чемпиони «Ал-Хилол»га қарши ўтказилган бўлди. Айтиш жоизки, «Ал-Ваҳда»га қарши кечган матчда иккинчи сариқ карточкани ҳам «олиш»га улгурган Игнатий Нестеров ва Денилсон «Ал-Хилол» билан ўтадиган беллашувни томошабин сифатида кузатишга мажбур. Рақиблар сафида ҳам икки нафар катта йўқотиш бор: Ҳассан Ҳайрат (ҳимоячи) ва Аҳмад Ал-Фрайди (ярим ҳимоячи). Шунинг учун ҳам имкониятларни тенг деб баҳолаш мумкин.

Ўз гуруҳидаги сўнгги учрашув-

ни сафарда ўтказишига қарамай, жуда яхши бошлаган «Пахтакор» матч якунида нимчорак финалнинг дастлабки учрашувини Тошкентда ўтказиш имкониятини қўлдан чиқарди. «Аш-Шабоб»га қарши ўтган матчда 2:1 ҳисобида мезбонларнинг қўли баланд келди ва «пахтакорчи»лар ҳам ўз гуруҳида иккинчи ўрин билан чекланди.

Шундай қилиб, «Пахтакор» 11 майда Доха шаҳрида «А» гуруҳида 1-ўринни олган Қатарнинг «Ал-Фарафа»сига қарши ўйнайди. Қатарнинг амалдаги чемпиони таркиби жуда ҳам кучли. Жумладан, стандарт вазиятлар «қирол»и Жуниньо Пернамбукано, Лауренсе, Клемерсон ва ироқлик ажойиб футболчи Юнус Маҳмуд сингари спортчилар қаршилигини ёнгиб ўтиш ҳамюртларимизга

осон кечмаслиги турган гап. Муҳими, ҳали вақт бор, демак, имкониятлар етарли. Ҳамон тўп юмалок, майдон эса текис. Галаба қозониш учун бундан ортиқ яна нима керак?

1/8 финалнинг қолган жўфтликлари: 11 май, «Сувон Самсунг Блюингз» (Жанубий Корея) — «Бэйцзин Гуан» (Хитой), «Соннам Ильва Чунма» (Жанубий Корея) — «Гамба Осака» (Япония), «Аш-Шабоб» (Саудия Арабистони) — «Истиклол» (Эрон). 12 май, «Аделаида Юнайтед» (Австралия) — «Чонбук Хендэ Моторс» (Жанубий Корея), «Кашима Антлерс» (Япония) — «Поханг Стилерз» (Жанубий Корея) ва «Зоб Оҳан» (Эрон) — «Мес» (Эрон).

Ўзлари иштирок этаётган турнирлар доирасида нимчорак финалга йўлланма олган «уч оға-ини ботир»ларга зафар тилаймиз. Сафарлари бехатар бўлсин.

Зохиджон ХОЛҚОВ

«Kasb mahorati—2010»



**ҲАР КАСБДА  
МАҲОРАТ ЗАРУР**



(Давоми. Боши 5-бетда.)

Ниҳоят, галвир сувдан кўтарилди. "Касб маҳорати" танловининг сўнги босқичида I даражали дипломни Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежи ўқувчиси Игорь Бурнаев қўлга киритди. Самарқанд Жанубий маиший хизмат касб-хунар коллежи битирувчиси Руслан Халияров ҳамда Поп маиший хизмат касб-хунар коллежидан Бахтиёр Холдорев 2-ўринга муносиб топилди. Гиждун маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Улғубек Зайниев, Сарисийё маиший хизмат касб-хунар коллежи вакили Маъмур Бориев ва Андижон вилоятдан Фахридин Маматов 3-ўринга лойиқ кўрилди.

— Мен коллежда уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш, электромеханик ишлари, электромонтёрлик ишлари, чилангарлик фанларидан дарс бераман. Игорь дарсларда фаол иштироки билан бoshқалардан ажралиб туради. Ҳатто дарсдан кейин ҳам машғулотлар олиб борамиз. Берилган топшириқларни аъло даражада бажаради. Турли кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда, — дейди устози Иззатилла Мансуров ундан мамнунлигини билдириб.

Танлов ғолиблари ва иштирокчиларига Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Хулқар ФАРМОН қизи,  
Ғолиб БАҲРОМОВ  
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ  
олган суратлар.



**Ma'rifat**

**ТА'СИС  
ЕТУВЧИЛАР:**

Ўзбекистон Халқ та'лими  
вазирлиги, Ўзбекистон Олий  
ва о'рта махсус та'лим  
вазирлиги, Ўзбекистон  
Та'лим ва фан ходимлари  
касба уюшмаси  
Markaziy Kengashi.

**Bosh muharrir vazifasini  
vaqtinchaj bajaruvchi:**  
Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-  
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,  
Xurshid DO'STMUHAMEDOV, Akmal  
ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda  
MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan  
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),  
Abdusamat RAHIMOV, Nurlan  
USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari,  
"Учитель Узбекистана"), Aleksey  
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Уз-  
бекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

**Gazeta**  
Ўзбекистон Matbuot  
va axborot agentligida  
№ 0067 raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-422.  
Tiraji 40656.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:  
Rayhona XO'JAYEVA.

Navbatchi:  
Dilshod KARIMOV.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan  
materiallar muallifga qaytarilmaydi.

belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz  
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta  
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,  
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi  
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti  
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan  
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,  
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,  
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar  
Liliya BINASHEVA,  
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon»  
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish  
vaqti — 21.00.  
Topshirildi — 22.30  
ЎЗА якуни — 22.10